

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2018 йил
10 май

ПАЙШАНБА

№ 37-38 (13090-91)

www.thtp.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ 9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз юртдошлар!
Муҳтарам фахрийлар!
Хурматли меҳмонлар!
Бугун жонажон Ватанимизда 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни, Иккинчи жаҳон урушида қозонилган буюқ Ғалабанинг 73 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Ана шу қутлуг айём билан сизларни, сизлар орқали кўп миллатли бутун халқимизни чин қалбимдан муборакбод этаман. Барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни билдираман.

Сиз, азизларни биз фашизмга қарши мардона курашган, буюқ Ғалабага беқиёс ҳисса қўшган, Ватанимизнинг ҳақиқий қаҳрамонлари, деб биламиз ва сизлар билан чексиз фахрланамиз.

Сизларнинг бугун орамизда мана шундай нуруний бўлиб, дугўй бўлиб юришларингиз биз учун, албатта, катта бахт, катта давлатдир.

Ҳаммамизга аёнки, бу дунёда тинчлик ва омонлик, бахту саодат барқарор бўлиши учун инсон ўзини аямасдан кураш олиб бориши, фидокорона меҳнат қилиши керак. Сизларнинг юксак жасорат ва матонатингиз, бутун ҳаётингиз бунга яққол мисол бўла олади.

Бугун фашизмга қарши курашда ҳалок бўлган минглаб ватандошларимизнинг сўнмас хотирасини ёд этиб, уларнинг руҳи покларига ҳурмат бажо келтириш — биз учун ҳам қарз, ҳам фарздор.

Қонли жанг майдонларида мардлик кўрсатган, фронт ортида меҳнат қилиб, бугун ҳаётимизга фойда бағишлаб юрган муҳтарам фахрийларимиз

олдида барчамиз бош эгиб таъзим қиламиз.

Айни вақтда мустақил Ватанимиз озодлиги, эл-юрт тинчлиги йўлида ҳалок бўлган жасур ҳарбийларимизнинг номларини ҳам ҳурмат ва эҳтиром билан эсга оламиз. Уларнинг оила аъзолари, фарзандларига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишни ўзимизнинг муқаддас бурчимиз, деб биламиз.

Азиз ва муҳтарам дўстлар!
Иккинчи жаҳон уруши ҳақиқатан ҳам инсоният тарихида энг даҳшатли, энг қонли қирғин бўлган эди. Бу уруш халқимиз бошига қандай оғир азоб-уқубат ва талафотлар, беҳисоб қурбонлар келтирганини эл-юртимиз ҳеч қачон унутмайди.

Албатта, бу ҳақда жуда кўп гапириш мумкин. Рухсатингиз билан, мен, такрор бўлса ҳам, фақат баъзи мисолларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Уруш арафасида Ўзбекистонда 6,5 миллион аҳоли яшаган бўлса, шундан 1 миллион 500 мингдан зиёди фронтга сафарбар этилган. Бу ўша пайтдаги халқимизнинг 22 фоизини, меҳнатга яроқли аҳолининг эса 40-42 фоизини ташкил этарди.

Меҳрибон ота-онасини, азиз фарзандлари, табарук она юрт тупроғини ҳимоя қилишга отланган бу ботир инсонлар кечаю кундуз қон кечиб, Москвадан то Берлингача бўлган оловли йўлларни қаҳрамонларча босиб ўтдилар.

Урушда ўзбекистонлик жангчилардан 500 мингдан кўпроги — фронтга сафарбар этилганларнинг ҳар учтасидан бири ҳалок бўлди, 60 мингдан ортқ ҳаётимиз ногирон бўлиб қайтди.

Бу ёвуз уруш туфайли қанча-қанча оилалар ўз боқувчисидан ажралди, гўдаклар етим, аёллар бева бўлиб қолди. Ўз жигарбандидан жудо бўлган минг-минглаб оналар қалбидagi алам ва изтиробни ифода этишга сўз ожиз.

Эл-юртимизнинг буюқ Ғалабага қўшган улкан ҳиссаси ҳақида гапирар эканмиз, қуйидаги рақамларга алоҳида тўхталиш ўринли, деб ўйлайман. **Урушда қатнашган 120 мингдан ортқ Ўзбекистон фарзанди жанговар ордон ва медалларга сазовор бўлган. Уларнинг 280 нафари Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан, 82 нафари эса ушбу даражадаги "Слава" ордени билан мукофотланган.**

Уруш йилларида Ўзбекистон фронтнинг мустаҳкам таъминот базасига айланди. Юртимиздаги саноат корхоналари ҳарбий соҳага мослаштирилди, барча имкониятлар фронт учун, ғалаба учун сафарбар этилди.

Ўлкамизга эвакуация қилинган юздан зиёд завод ва фабрикаларни ишга туширишда ишчи ва муҳандислар билан бирга аёллар ва кексалар, ўспирин болалар мардлик ва матонат билан меҳнат қилдилар.

Уруш даврида халқимиз томонидан фронтга 2 мингдан зиёд самолёт, кўплаб қурол-яроғ, юзлаб ҳарбий-санитария поездлари, дала ошхоналари, палаткалар, жуда катта миқдордаги озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа зарур маҳсулотлар етказиб берилди.

Давоми 2-бетда ➡

ИНСОН ҚАДРИ АЗИЗ, ХОТИРА МУҚАДДАС

Кеча бутун мамлакатимизда бўлгани каби вилоятимизда ҳам Хотира ва Қадрлаш куни, Иккинчи жаҳон урушида қозонилган буюқ Ғалабанинг 73 йиллиги кенг нишонланди



Бугун юртимизнинг қай бир манзилига борманг, ҳаммамиз учун улғу ва табарук бўлган нуруний отахон ва онахонлар, уруш қатнашчилари, фронт ортида мардонавор туриб меҳнат қилган кекса авлод вакиллари, бугунги тинч ва осойишта ҳаётимизни қадрлаб, Ватанимиз рағнақи йўлида меҳнат қилаётган барча-барча шоду хушроқликда бир-бирларини тинчлик, фаровонлик тантанаси билан қутлаётганига гувоҳ бўласиз.

Президентимизнинг жорий йилда мазкур санани кенг нишонлаш мақсадида қабул қилган қарорига мувофиқ, вилоятимизда ҳам "Инсон қадрли азиз, хотира муқаддас" ҳамда "Мардлик, бурч ва садоқат" каби инсонпарвар гояларни ўзида муҷассам этган жуда катта

ҳажмдаги ташкилий ишлар, маънавий-маърифий тадбир ва маросимлар давом этмоқда.

Кеча вилоят марказида ташкил этилган катта байрам тантанаси минглаб юртдошларимиз қалбига байрамона

Шу сана муносабати билан, шаҳар марказида "Мотамсаро она" мажмуаси барпо этилиб, мазкур хиёбонда кенг кўламда ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари олиб борилади.

Умуман, бугун пойтахт ви-

лоятнинг ҳақиқий маркази сифатида янги Нурафшон шаҳрининг замонавий қиёфаси жаҳон архитектурасининг энг сўнгги ютуқлари асосида шакллантирилаётганидан яхши хабардорсиз. Яқин келажакда бу азиз гўшамиз мамлакатимизнинг энг гўзал, энг замонавий, энг тараққий этган шаҳарларидан бирига айланишига асло шак-шубҳа йўқ.

9 май. Соат 9:00. Муаззам майдон узра ҳарбий оркестр садолари янгради. Вилоят ҳокимлиги, ҳуқуқ-тартибот идоралари, давлат ва жамоат ташкилотларининг вилоят бошқарма ва бўлимлари жамоалари "Мотамсаро она" ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди.

Биз ҳар гал Хотира ва Қадрлаш кунини нишонлар эканмиз, беихтиёр Иккинчи жаҳон урушининг халқимиз бошига солган мусибатларини ёдга оламиз, жанг майдонларида юксак мардлик ва матонат намуналарини кўрсатган уруш ва фронт орти фахрийлари жасорати ва тақдирларини айтмай.

Давоми 2-бетда ➡



Мардлар кўриқлайди,
Ватанни!

ЮКСАЛИБ БОРАЁТГАН САЛОҲИЯТ НАМОЙИШИ

Кейинги йилларда Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз давлат хавфсизлиги ва барқарорлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш бўйича тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир, замонавий, профессионал армияни ташкил этиш ишлари ўзининг юксак сифат босқичига кўтарилмоқда.

Соҳа ривожига амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самараси ўлароқ, Ўзбекистон ҳақли равишда дунёда энг кучли армияга эга давлатлар қаторидан жой олди. Миллий армиямизнинг қиёфаси ва жанговар имкониятлари билан бирга ҳарбий жамоалардаги маънавий-ахлоқий муҳит, жамиятимизда армияга ва ҳарбий хизматга нисбатан ёндошув таъмили ўзгарди. Ҳозирда ҳар бир йигит учун армияда хизмат қилиш нафақат фахрли бурч, балки юксак шон-шараф ишига айланди.

Бу фикрлар вилоят ҳарбий-маъмурий сектори ва Тошкент ҳарбий округи қўшинлари қўмондонлиги ҳамкорлигида "Чирчиқ" умумқўшин дала ўқув майдони базасида танк биатлон мусобақаси ва уни ўтказишга мўлжалланган, халқаро стандартларга мос махсус майдоннинг очилиш маросимида алоҳида тилга олинди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Мудофая вазирлиги вилоят ҳокимлиги масъуллари, вакиллари, ҳарбийлар, давлат ва жамоат ташкилотлари ходимлари, фахрийлар иштирок этишди.

Бу ерда ташкил этилган мажмуа танк, пилдалар ва десантчилар жанговар машиналари ҳамда зирхли транспортёрларда сунъий ҳовуз, миналаштирилган ва манёвр бажариш майдони, танкка қарши чуқур, кўргон, эскарп (танкка қарши тепалик) каби саккизта тўсиқдан ўтиш учун махсус тўсиқларни ўз ичига олган. Махсус танк йўлагининг умумий узунлиги 4 минг 200 метр бўлиб, халқаро миқёсда ўтказилувчи танк биатлон майдонлари талабларига мослаштирилган. Майдонда мусобақаларни кузатиш учун 3 қаватли минора, 400 томошабинга мўлжалланган усти ёпиқ ўриндиқли жой, ҳарбий техника ва шахсий таркиб парадни ўтказиш учун саф майдони мавжуд.

Давоми 3-бетда ➡

Ўрта Чирчиқ туманида Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси биносининг очилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Мазкур иншоотнинг айнан она диёримизнинг барча ҳудудларида кенг нишонланаётган улғу сана — Хотира ва Қадрлаш куни арафасида фойдаланишга топширилиши бежиз эмас. Бинобарин, хотира ва қадр тушунчалари азал-азалдан бир-бирини тўлдириб, эл-юртимизнинг тафаккурига сингиб, маънавий ҳаётимизнинг ажралмас бир

қисми бўлиб келаяпти. Инсон манфаатлари, унинг қадрли ва ҳақ-ҳуқуқлари олий қадрият даражасига кўтарилган мамлакатимизда одамлар турмушида энгилликлар яратиш, уларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашлари эришиш олиб борилаётган ислохотларнинг асл мақсад-муддасини ташкил этади.

Маросимда сўзга чиқ-

Давлат хизматлари агентлиги:

БУ ДАРГОҲДАН ҲЕЧ КИМ НОРИЗО БЎЛИБ КЕТМАСИН

қан вилоят ҳокими Ф. Ибрагимов, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги раҳбари Х. Тўраҳўжаев ва бошқалар мутлақо янги тизим асосида фаолият юритаётган мазкур тузилманинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида тўхталар эканлар,

Юртбошимизнинг "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган чуқур ҳаётий мазмунга эга даъвати барча даражадаги давлат идоралари фаолиятининг бош мезонига айланиб бораётганини таъкидладилар.

— Бугун барчага яхши маълум, давлатимиз раҳбари ғояси асосида мамлакатимизда юридик ва жисмоний шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида кенг кўламли саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда, — дейди

агентликнинг вилоят бошқармаси бошлиғи Хайридин Файзиев. — Мазкур тузилмага "Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади", деган тамойил бош шior тариқасида танланганининг ўзи ҳам кўп нарсани аңглатиб турибди.

Давоми 3-бетда ➡

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ 9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ўзбекистон меҳнаткашлари тўплаган маблағлар ҳисобидан ўнлаб ҳарбий самолёт ва танклар, жанговар машиналар барпо этилди.

1941-1945 йилларда мамлакатимиз собиқ Иттифоқ миқёсидаги улкан госпиталга айланди. Бу ерда минг-минглаб жангчилар даволаниб, уруш ва меҳнат фронтларига қайтдилар.

Уша суронли йиллар ҳақида гапирганда, халқимизнинг олижаноб гуманистик фазилатлари тўғрисида ҳар қанча фахрланиб, гурурланиб сўз юритсак, арзийди, албатта.

Ўзбекистон уруш туфайли уй-жойи, ота-онаси ва қариндошларидан ажралган, фронт ҳудудларидан кўчириб келтирилган қарийб 1 миллион кишини ўз яқинларидек кутиб олди. Уларнинг 200 минг нафари болалар эди. Ўзлаб ўзбек оилалари эвакуация қилинган етим болаларни ўз тарбиясига олди. Охириги бурда нонини ҳам улар билан баҳам кўрди.

Тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шоаҳмудов хонадони ана шундай оилалардан бири эди.

Баҳри ая ва Шоаҳмад ота 14 нафар оч-юпун, етим болани ўз тарбиясига олиб, уларга меҳр ва ғамхўрлик кўрсатдилар.

Халқимизга хос ана шундай буюк инсонпарварлик юксак маънавий жасорат намунаси сифатида бутун дунёда эътироф этилди.

Кейинги пайтда жамоатчилигимиз томонидан билдирилган қўллаб-қувватларни ҳисобга олиб, биз Шоаҳмад Шоаҳмудов оиласига қўйилган ҳайкални Тошкент шаҳри марказидаги аввалги жойига қайтаришга қарор қилдик.

Ушбу ёдгорлик ёнида жойлашган марказий кўча

«Бошланғич 1-бета»

лардан бирига Шоаҳмад Шоаҳмудов номи берилди. Шунингдек, ҳайкал ўрнатилган майдон, шу ҳудуддаги метро станцияси, санъат саройининг "Халқлар дўстлиги" деган аввалги номи қайта тикланди.

Албатта, бундай қарор чуқур асосга эга. Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари дўстлик, ўзаро ҳурмат муҳитида тинч-товуш яшамоқда.

Ишончим комил, Ўзбекистон пойтахти марказида қайта тикланган мажмуа азалдан халқимизга хос бўлган, тобора мустақамланиб бораётган бағрикенглик ва ҳамжихатлик, саховат ва олижаноблик фазилатларининг ёрқин тимсоли бўлиб қолади.

Азиз дўстлар!

Иккинчи жаҳон уруши йилларида халқимиз кўрсатган мардлик ва олижаноблик ҳақида қўллаб-қувватлаш ва бадиий асарлар яратилганини, албатта, миннатдорлик билан таъкидлаймиз.

Шу билан бирга, эл-юртимизнинг буюк Ғалабага қўшган улкан ҳиссаси ҳали тўла очиб берилмаган, десак, бу ҳам адолатдан бўлади.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, мен тарихчи олимларимизга, адабиёт ва санъат арбобларига, кенг жамоатчилигимизга бир таклиф билан мурожаат қилмоқчиман. Бу дахшатли урушда қатнашган ота-боболаримизнинг қаҳрамонлиги ҳақида янги-янги асарлар яратиш, жумладан, аниқ тарихий ҳужжатлар асосида мукаммал китоб-альбом тайёрлаб, нашр этишининг, ўйлайманки, вақти соати келди.

Ҳақиқатан ҳам, унинг ўсиб келаётган ёш авлодимиз фашизм балосига қарши курашда жасур аждодларимиз кўрсатган мардлик ва матонатни асло ёдидан чиқармаслиги керак. Бу тарихий ҳақиқатни уларга тўла етказиш, фарзандларимизни миллий гуруҳ ва ифтихор руҳида, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда барча мутасадди

ташкilotлар, олимларимиз, ижодкор зиёлиларимиз фаол иштирок этадилар, деб ишонаман.

Қадри юртдошлар!

Бугун азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, барча вилоят ва туманларда эл-юртимиз Хотира майдонларини зиёрат қилиб, урушда ҳалок бўлган ватандошларимизни ёд этмоқда. Муҳтарам фахрийларимиз билан самимий учрашувлар ўтказилиб, уларга муқофотлар, эсдалик совғалари топширилмоқда.

Ҳаммамиз яхши тушунамиз, кексаларимиз, мўтабар отахон ва онахонларимизни рози қилсак, бутун халқимиз, жамиятимиз биздан рози бўлади. Уларнинг табаррук дуолари — бу, аввало, эл-юртимизнинг дуоси, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Шу муносабат билан таъкидлаб айтмоқчиман — кекса авлод вакилларига эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг ижтимоий таъминоти, тиббий хизматдан фойдаланиши, маиший шароитларини яхшилаш, ҳурматли фахрийларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, эъзозлаш ва ардоқлаш бундан буюн ҳам эътиборимиз марказида бўлиб қолади.

Албатта, мана шу қўтулғ байрам кунларида, ям-яшил табиат бағрида, мусаффо осмон остида туриб, ҳар биримиз тинч ва озод ҳаётнинг қадрини, аҳамиятини янада чуқур ҳис этмоқдамиз.

Лекин, минг афсуски, дунёнинг турли минтақаларида кескинлик ўчоқлари кўпайиб бормоқда. Бу ҳам аниқ ҳақиқат. Шундай мураккаб даврда тинчлик учун кураш чиндан ҳам энг долзарб вазифага айланимоқда.

Шунинг учун биз яқин ва узоқ қўшниларимиз билан ўзаро манфаатли алоқаларни кучайтирмоқдамиз. Айниқса, минтақамизда дўстлик ва ҳамкорлик руҳини мустақамлаш бўйича катта ишларни амалга оши-

раётганимиз сизларга яхши маълум. Жумладан, жафокаш Афғонистон заминидан салкам 40 йилдан буюн давом этаётган можарони тинч йўл билан ҳал этиш борасидаги ташаббусларимиз халқро ҳамжамият томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Минтақамиздаги тинчлик ва тараққиёт барчамизнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларимизга боғлиқ. Шу маънода, бугун Марказий Осиё давлатлари ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга кўтаришга интилаётгани гоят муҳим аҳамиятга эга.

Айни пайтда Ватанимиз мустақиллигини мустақамлаш, сарҳадларимиз дахлсизлигини сақлаш, халқро терроризм, экстремизм, наркотрафик каби хатарларга қарши курашиш бош вазифамиз бўлиб қолади. Бу борада Қурултай Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини ошириб, тинчлик ва хавфсизлик йўлида олис ва яқин давлатлар билан ҳамкорликни янада кучайтирамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистонни хайрихоҳлик билан қўллаб-қувватлаб келаётган, бугунги даврамизда иштирок этаётган дипломатик корпус вакиллари, барча хорижий меҳмонларимизга юксак ҳурмат ва эҳтиром билдирамиз. Уларнинг мамлакатлари ва халқларига ўз номидан, эл-юртимиз номидан тинчлик ва равақ тилашга ижозат бергайсиз.

Қадри ва муҳтарам ватандошларим!

Сиз, азизларни қўтулғ байрам — Хотира ва Қадр-

лаш куни билан яна бир бор чин қалбимдан табрик-

лайман.

Ҳаммамизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга

файзу барака тилайман.

Дунёдаги энг катта бахт — фарзандлар, набира-

ларнинг бахту камолини кўриш барчангизга насиб

этсин.

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Осмонимиз доимо мусаффо бўлсин!

ЮЛДУЗЛАР МАНГУ ЁНАДИ

Йигирма йилдики, юртимизда 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиб келинмоқда. Биз ҳар гал бу улуг байрамни қарши олар эканмиз, биринчи галда ўтганлар руҳини шод этишни инсоний бурчимиз, деб ҳисоблаймиз ва бу борадаги хайрли, савобли ишларимиз мазмун-моҳиятини янада бойитиш ҳаракатида бўламиз. Чунки, хотира ва қадрлаш халқимизнинг энг улуг фазилатларидандир.

Эҳтиром

Сана муносабати билан диёримизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби вилоятимизда ҳам "Инсон қадри азиз, хотира муқаддас" ҳамда "Мардлик, бурч ва садоқат" каби эзгу ғояларни ўзида мужассам этган маънавий-маърифий тадбир ва маросимлар давом этмоқда.

Вилоят ҳокимлиги хизмат бурчини ўташ вақтида қаҳрамонлар ҳалок бўлган уч нафар замондошимиз хотира-сини абадийлаштириш мақсадида улар туғилиб ўсган жойларда ёдгорлик бюстлари ўрнатишга қарор қилди ва сана арафасида мазкур монументлар кенг жамоатчилик иштирокида очилди.

Сўнгги нафасига чизиб, бирга осмонда унинг толе



чилига содиқ қолиб, халқимизнинг чексиз меҳрига сазовор бўлган ана шундай инсонлардан бири марҳум ҳарбий хизматчи Равиль Васильев эди.

У 1965 йилда Чирчиқ шаҳрида туғилиб, институтни битиргач, биринчи иш фаолиятини шу ердаги 15-мактабда жисмоний тарбия ўқитувчилигидан бошлаган. Каратэ спорт тури бўйича қора белбоғ соҳиби бўлган. Тўрт йил ёшлар таълим-тарбияси билан шуғулланиб, 1993 йилдан Ички ишлар бўлимига ишга қабул қилинган эди.

Капитан Равиль Васильев 1999 йилнинг ноябрида вилоятимизнинг тоғли ҳудудда қуролланган жангарилар тўдасини қидириб топиш ва яқсон қилиш мақсадида тузилган гуруҳга командир этиб тайинланди. Жасурилик намунаси билан жанг олиб борган ёш капитан душман ўқидан яралганлиги оқибатида хизмат бурчини бажа-

Шерзод ШУҲРАТОВ
Мансур ХИММАТОВ
олган сурат

ИНСОН ҚАДРИ АЗИЗ, ХОТИРА МУҚАДДАС



лиги муносабати билан уруш қатнашчиларига пул муқофоти ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилгани, уларга ўзлари жанг қилган шаҳарларни бориб кўриш, шунингдек, юртимиз ва чет давлатлардаги сиҳатгоҳларда саломатликларини тиклаш имконияти яратилгани уруш фахрийларига бўлган юксак ҳурмат ва эътиборнинг ёрқин ифодаси бўлди, — дей-



рағбат кўрсатилиб, имкон қадар уларнинг кўнглини олишга ҳаракат қилинди.

... Соат 9:40. Марказий кўча бўйлаб ҳарбий парад бошланди. Миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган аскарлар, ҳарбий билим юртларида таҳсил олаётган курсантлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари сафдорлари йиғилганлар кўз ўнгидан шахдам қадамлар билан ўтар

катнашчиларини, фахрийларни, байрам иштирокчиларини Хотира ва Қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 73 йиллиги билан қизгин муборакбод этди.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу маросимда меҳмон бўлган дахшатли жанг майдонларида ўтган. Байрамларга боришни орзу қилардик. Бизга Яратган узоқ умр берди, мана шундай кунларга ҳам етдик. Бизни шундай сийлаб, ҳурмат-иззатимизни жойига қўётган давлатимиз раҳбаридан чексиз миннатдоримиз.

— Биз бугунги тинчлигимиз



олиб, тинчлик учун жангга кирдилар. Уларнинг 40 мингга яқини жанг майдонларида қурбон бўлдилар.

Урушда жасорат кўрсатиб, ҳалок бўлганлар, фронт ортида кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилган матонатли инсонларнинг азиз хотираси олдида бош эгиб, таъзим қилмоқ барчамиз учун инсоний бурчдир.

— Муҳтарам Президентимиз фармонида мувофиқ, Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 73 йил-

«Бошланғич 1-бета»

ди "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими раиси Сайфулла Асадов. — Байрам арафасида биз барчамиз, вилоятимиз ҳокими бошчилигида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, навқирон ёшларимиздан иборат гуруҳлар вилоятимизда умргузаронлик қилаётган 150 га яқин уруш қатнашчилари хонадонларида бўлиб, уларга Юртбошимиз номидан ана шу муқофотларни тантанали вазиятда топширдик. Шунингдек, қарийб 2,5 мингдан ортиқ фронт орти фахрийларига моддий ва маънавий

эканлар, қалбларга гуруҳ ва ифтихор туйғуларини кириб борди. Ўзбекистон Қурултай Кучларининг жанговар техникалари намоийши эса бугун дунёда ўз ўрнига эга бўлган Миллий армиямиз куч-қудрати ва салоҳиятининг ёрқин ифодаси бўлди.

... Марказий кўчани қамраб олган байрам шуқуҳи ва ҳаяжонлари унга ёндош майдонда безалган улугвор саҳнага кўчди.

Байрамнинг бадиий қисмини вилоят ҳокими Фуломжон Ибрагимов кириш сўзи билан очар экан, барча уруш

учун минг бора шукроналар айтишимиз керак, — дейди Норкул ота. — Қаранг, тантаналар қандай чиройли ўтмоқда. Ҳозирги ёшларга жуда ҳавасим келади. Менинг навқирон даврим қўлимда қурол билан дахшатли жанг майдонларида ўтган. Байрамларга боришни орзу қилардик. Бизга Яратган узоқ умр берди, мана шундай кунларга ҳам етдик. Бизни шундай сийлаб, ҳурмат-иззатимизни жойига қўётган давлатимиз раҳбаридан чексиз миннатдоримиз.

Санъат усталари ва ба-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ, ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

қонунчиликни такомиллаштириш ва ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш бўйича илмий асосланган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

ўқитишнинг амалий хусусиятига ва прокуратура органларининг касбий фаолияти билан узвий боғлиқликка таянган ҳолда магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш;

прокуратура органлари фаолияти йўналишлари бўйича олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўзаро ҳамкорлик масалалари юзасидан давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг малакасини ошириш;

прокуратура органлари фаолиятини психологик жиҳатдан таъминлаш, номзодларни хизматга қабул қилишда касбий-психологик танлов ўтказиш, прокуратура органларидаги маънавий-психологик муҳитни ўрганиш ва уни яхшилаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

қўшма илмий тадқиқотлар ўтказиш, норматив-ҳуқуқий, методик ва таҳлилий хусусиятга эга бўлган маълумотларни алмашиш, ўқув жараёнига хорижий мутахассисларни жалб қилиш, педагог, илмий ходимлар ва тингловчиларнинг стажировкаларини тизимли равишда ташкил этиш соҳаларида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш;

ўқув жараёнининг сифатини ошириш бўйича тажриба алмашиш, саъй-ҳаракатларни бирлаштириш мақсадида юридик кадрларни тайёрловчи, қайта тайёрловчи ва уларнинг малакасини оширувчи таълим ва илмий-тадқиқот, шу жумладан, хорижий давлатлар муассасалари билан самарали идораларо ҳамкорликни чуқурлаштириш.

3. Белгилансинки:

а) Академияда касбий қайта тайёрлаш ва малака ошириш куйидаги дастурлар бўйича амалга оширилади:

прокурор-тергов иши ва прокуратура органларида иш юритишни ташкил қилиш асосларини ўқитишга йўналтирилган, давомийлиги 576 соатдан кам бўлмаган прокуратура органларида лавозимларни эгаллаш учун номзодларни бирламчи ихтисослашув шаклида касбий қайта тайёрлаш;

прокурор-тергов ва таҳлилий ишларни юритиш, норма ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш юзасидан касбий билим ҳамда кўникмаларни чуқурлаштиришга, шунингдек, ишни ташкил этишнинг инновацион шакллари ва методларини ҳамда бошқарув асосларини ўзлаштиришга йўналтирилган, давомийлиги 576 соатдан кам бўлмаган прокуратура органларида раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада турган кадрларни касбий қайта тайёрлаш;

қонунчиликдаги янгиланган мазмун-моҳиятини етказиш, касбий кўникма ва малакаларни такомиллаштириш, прокурор-тергов ишининг илгор ютуқларини ўргатиш, шунингдек, прокуратура органлари ходимлари фаолиятидаги тизимли камчиликларни бартараф этишга йўналтирилган, давомийлиги 144 соатдан кам бўлмаган прокуратура органлари ходимлари малакасини ошириш;

◀ Бошланғич 1-бета

б) прокуратура органлари ходимлари малакасини оширишнинг даврийлиги ҳар уч йилда камида бир марта ташкил этилади;

в) прокуратура органларида лавозимларни эгаллаш учун номзодлар прокуратура иш ўрганувчилари лавозимига тайинланганга қадар мазкур Фармон 3-банди "а" кичик бандининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган касбий қайта тайёрлашдан ўтдирилари.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига: Академияда асосий иш жойидан ажралган ёки ажралмаган ҳолда қисқа муддатли ва бошқа курсларни ташкил этиш;

истисно тариқасида, мазкур Фармон 3-банди "а" кичик бандининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган касбий қайта тайёрлашдан ўтмаган шахсларни прокуратура органларига хизматга қабул қилиш ҳуқуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Академияда 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб магистрларни, шу жумладан, бошқа мутахассислик йўналишлари бўйича олий маълумотга ва прокуратура органларида камида 5 йиллик иш стажига эга бўлган прокуратура органлари ходимлари ҳисобидан тайёрлаш ҳақидаги таклифи билан келишилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда Академия магистратурасига қабул қилиш квоталарини белгиласин.

5. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича "Йўл харитаси" 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига: Академиянинг тузилмасига белгиланган умумий штатлар сони доирасида ўзгаришлар киритиш; ўқув жараёнини таълимнинг кундузги, кечки, сиртки ва масофавий шакллари асосида ташкил этиш ҳуқуқи берилсин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Академия прокуратура органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун масъул таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси бўлиб ҳисобланади;

Академияга Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан лавозимга тайинланган ҳамда лавозимидан озод этиладиган бошқаруш раҳбарлик қилади;

прокуратура органлари ходимлари келгусида прокуратура органларининг ўзлари эгаллаб турган лавозимига тенг бўлган бошқа лавозимларида хизматни давом эттиришини таъминлаган ҳолда Академияда хизмат ўташ учун ротация тартибиде жалб этилиши мумкин;

Академия ходимларига Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилади;

даржабали унвонга эга бўлган Академия ходимлари прокуратура органлари тармоқларида стажировка ўташ даврида прокуратура органлари ходимларининг тегишли ваколатларидан фойдаланадилар ва мақом

бўйича Академия тегишли тармоқлари (бўлимлари)нинг прокурорлари бўлиб ҳисобланадилар;

2018 йилнинг 1 июнидан Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан Академия ходимларига прокуратура органлари ходимлари учун белгиланган оширилган тариф коэффициенти ва алоҳида меҳнат шaroитлари учун ҳар ойлик устама ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа рағбатлантирувчи қўшимча ҳақ ва устамаолири ўз таркибига олувчи лавозим маошига 100 фоиз миқдорда ҳар ойлик қўшимча устама тўланади;

Академия фаолияти Давлат бюджет, Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси ва прокуратура органларининг бюджетдан ташқари жамғармалари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

7. Белгилаб қўйилсинки, Академияда тўлов-контракт асосида ўқитишдан келиб тушадиган маблағлар Академиянинг ўқув ва моддий-техник базасини ривожлантириш ҳамда унинг ходимларини моддий рағбатлантиришга йўналтирилади.

8. Академияга:

етақчи ўқув муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг, шу жумладан, хорижий мамлакатларнинг юқори малакали мутахассис ва экспертларини шартнома асосида ўқув жараёнига жалб қилишга;

прокуратура органларида лавозимларни эгаллаш учун бирламчи ихтисослашув шаклидаги касбий қайта тайёрлаш дастури бўйича таълим олаётган номзодларнинг яшаш ва овқатланиш харажатлари учун тўловларни прокуратура органларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ҳисобидан амалга оширишга рўхсат берилсин.

9. Олий суд, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар Академияга ўқув жараёнини самарали ташкил этиш, шу жумладан, тажрибали мутахассисларни жалб этиш ҳамда илмий-амалий стажировкаларни ташкил этиш борасида ҳар томонлама кўмаклашсин.

10. Академия:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, вазирлик ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари;

Академия ахборот-ресурс марказини мустаҳкамлаш учун босма ва китоб маҳсулотлари (ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий наشرлар)нинг бепул назорат нусхалари (бир нусхада);

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Олий суди, бошқа вазирлик ва идораларнинг статистик ахборотлари мажбурий юбориладиган ташкилотлар рўйхати киритилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси уч ой муддатда:

Академия Уставини, прокуратура органлари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари тўғрисидаги Низомни, қайта тайёрлаш ва мала-

ка ошириш курслари ўқув режалари ва дастурларини, Академия магистратурасига қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқласин;

Мазкур Фармон талабларига мувофиқ Академия штатлар жадвали ва харажатлар сметасини тасдиқласин;

Академияни ўқитишнинг замонавий шакл ва услубларини қўллаш кўникмаларига ҳамда амалий иш тажрибасига эга, шунингдек, хорижий тилларни эгаллаган малакали кадрлар билан тўлдирсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси:

Академиянинг ўқув жараёни ва илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш учун ахборот-коммуникация технологияларидан, шу жумладан, видеоконференцалоқа ва масофавий таълим усулларидан фойдаланган ҳолда "Электрон таълим" миллий тармоғига улашини;

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг ахборот-кутубхона фондига ва етакчи хорижий ахборот-кутубхона ресурслари фондларига доимий ва узлуксиз равишда киришни таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур Фармон талабларига мувофиқ Академияга зарур маблағларни 2018 йил учун ажратсин, 2019 йилдан бошлаб эса уларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджет харажатлари параметрларида назарда тутсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Академияни жойлаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси биноларининг ягона мажмуини қуриш доирасида Академия қурилишини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-727-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Адлия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиغان ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни киритсин.

18. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О. Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 8 май

ЮКСАЛИБ БОРАЁТГАН САЛОҲИЯТ НАМОЙИШИ



Тадбирда танк экипажлари томонидан кўргазмалар тарзда белгиланган тўсиқлардан ўтиш ва машқ шартларида нишонларни яқсон этиш жараёни, шунингдек, шахсий таркиб, жанговар ҳарбий техникаларнинг тантанали ўтиши

◀ Бошланғич 1-бета

ҳамда вертолётларнинг кўргазмалар учини намойиш этилди.

Мазкур нуфузли ҳарбий-ватанпарварлик анжумани – илк бора ташкил этилган "Танк биатлон"нинг айни шу лалларда ўтказилаётганининг ҳам, албатта, рамзий маъноси бор, – дейди ҳарбий қисм взвод командири М. Хошимов. – Бундай тадбирлар Ватанини ҳимоя қилишдек олижаноб фазилатларни ёш авлод онгига сингдиришда катта аҳамиятга эга. Ўйлаймизки, бу-

гунги тактик машғулотлар ҳам мамлакатимиз Куролли Кучларининг юксалиб бораётган салоҳият ва имкониятларининг ўзига хос намойиши сифатида, барча иштирокчиларни кескин руҳлантириди, қалбимиздаги ғурур ва ифтихор туйғуларини янада алағна олдирди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири, генерал-майор А. Азизов, Тошкент вилояти ҳокими Ф. Ибрагимов сўзга чиқди.

Ўз мухбиримиз
Равшан МИРЗАКУЛОВ
олган сурат

Давлат хизматлари агентлиги:

БУ ДАРГОҲДАН ҲЕЧ КИМ НОРИЗО БЎЛИБ КЕТМАСИН

Негаки, фуқароларимиз маиший турмушининг барча жабҳаларида у ёки бу масала билан, ҳаётини заруратлар туйғулари давлат хизматларига мурожаат қилади. Халқимиз оғирини енгил, узогини яқин, мушкулни осон қилишда бундай марказларнинг юзага келиши, ҳеч шубҳасиз, Президентимиз олиб бораётган халқлик сиёсатининг яққол бир намунасидир.

Дарҳақиқат, мазкур тузилмада асосий эътибор давлат идоралари олдига навабда туршиларни кескин қамайтириш, сансалорликларга барҳам беришга қаратилгандир. Масалан, кундали ҳаётимизда барчамиз дуч келадиган жараёнлар – никоҳни қайд этиш, фарзанднинг дунёга келиши, болаларни мактабга таълим муассасаларига жойлаштиришдан тортиб, оддий ҳайдовчилик гувоҳномаларини олиш каби ишлар эндиликда мана шу марказлар томонидан

амалга оширилади. "Ягона дарча" кўринишида илгари фақат тадбиркорларга 5-6 турдаги хизматлар тақдир этиб келган марказ бугунги кунда аҳолига 50 дан ортиқ давлат хизматларини кўрсатишни ўз зиммасига олиб тургани ҳам унинг ҳаётини ҳаётдаги ўрни ва аҳамиятини яққол намойиш этади, албатта.

Жорий йилнинг июнь ойидан бошлаб эса вилоятимизда биринчи бўлиб, тажриба тариқасида Чирчиқ шаҳрида худди шундай марказ томонидан аҳолига 100 тага давлат хизматлари кўрсатила бошланади. Буларнинг бари, ҳеч шубҳасиз, одамларимиз учун орттиқ сарф-харажатларни қисқартириш баробарида уларнинг қимматли вақтларини тежаш имконини беради.

Бу ерда давлат хизматлари кўрсатиш тизимига инновацион технологияларнинг кенг жорий этилаётгани, тезкорлик, очкилик ва юқори сифатни таъминлаб, аҳолининг улардан



тезкор фойдаланиш имконини оширади. Шунингдек, давлат хизматларини алоқа воситаларидаги мобил иловалар орқали кўрсатиш имкониятларини яратиб устиде ҳам салмоқли ишлар олиб борилаётгани эътиборга моликдир.

Муассасанинг очилиш маросимида олис ҳудудлардаги аҳолига енгилликлар яратиш, тасдиқланган жадваллар асосида мобил ва кўча давлат хизматлари кўрсатишни ташкил этиш мақсадида бошқарманинг худудий бўлимларига 22 дон "Дамас" енгил автомашиналари топширилди.

Ўз мухбиримиз
Равшан МИРЗАКУЛОВ
олган сурат

Сўраган эдингиз...

Ишловчи
пенсияерларнинг
қайси тоифаларига
пенсия тўлиқ
тўланади?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 декабрдаги "Меҳнат фаолиятини олиб бораётган пенсияерларнинг алоҳида тоифаларига қўлай шaroитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига асосан, 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб:

– Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан берилган "Халқ...", "Хизмат кўрсатган... арбоби" ва "Хизмат кўрсатган..." фахрий унвонига эга пенсионерларга;

– илм-фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлиги ҳамда улардан фойдаланиётганлиги учун фақат муаллифлик муқофоти (гонорар) кўринишида даромад олаётган, лекин меҳнат шартномаси асосида меҳнат фаолиятини амалга оширмаётган пенсионерларга пенсиялар тўлиқ миқдорда тўланади.

Иш стаж қандай ҳолларда ва нима сабабдан судлар томонидан тасдиқланиши керак?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон қарори иловаси асосида тасдиқланган "Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг тўрта моддасида қуйидаги талаблар белгилаб қўйилган:

– Иш стаж тўғрисида ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, меҳнат фаолияти даврлари суднинг қарори билан белгиланади.

– Авариялар ва маҳаллий қўламдаги бошқа фавқулодда вазиятлар (ёнғин, сув босиши), ташкилотнинг тўлиқ тугатилиши ёхуд ушбу Низомнинг 58-бандида назарда тутилган

Фахрий унвон эгаларига пенсия қаердан тўланади ва бунинг учун қандай ҳужжатлар тақдим этилиши лозим?

Фахрий унвонга эга фуқароларнинг пенсиялари уларнинг иш жойлари, агар ишламасалар, яшаб турган жойларидаги маҳалла фуқаролар йиғинларида ташкил этилган "Халқ банки" шаҳобчалари орқали тўланади.

Ишлаётган фахрий унвон эгалари ишга кирганлиги, ишламайдиган пенсионерлар охириги иш жойидан ишдан бўшаганлиги тўғрисидаги

буйруқдан кўчирма тақдим қиладилар. Бундан ташқари, тасдиқловчи ҳужжат сифатида фахрий унвон олганлиги ҳақида фуқарога берилган гувоҳнома нусхасининг ўзи етарли ҳисобланади. Бу ҳужжат Пенсия жамғармалари бўлимлари масъул ходимлари томонидан асли билан солиштирилган ҳолда, аслига тўғри қилиб, тасдиқлаб олинади.

Пенсиялари бўйича орттиқча тўлов мавжуд бўлган шахслар 2018 йилнинг 1 январидан кейин 65 ёшга тўлгани аниқланган бўлса, улар орттиқча тўлов бўйича қарздорлик ҳисобидан чиқариладими?

2018 йилнинг 1 январь ҳолатига қўра: тайинланган пенсия ва нафақалар ҳисоблашни тўғрилигини текшириш натижасида аниқланган орттиқча тўловлар берилган тақдирда ташқари Пенсия жамғармаси тўлиқ тўлган ва ундан катта ёшдаги фуқаролардан, шунингдек, 2010 йилгача бўлган даврда тайинланган пенсия ва нафақаларнинг орттиқча тўланган пули қолдиқ суммалари ҳисобдан чиқарилади.

2018 йилнинг 1 январидан кейин 65 ёшга тўлганларида аниқланган орттиқча тўлов бўйича қарздорлик ҳисобдан чиқарилмайдиган. Чунки, Фармонда бу ҳақдаги тартиб

буйруқдан кўчирма тақдим қиладилар.

Фармоннинг 4-бандида "Шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ пенсионер Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўлиқ тўлган бўлимининг орттиқча тўланган пенсия суммасини ушлаб қолиш тўғрисидаги қароридан норози бўлган тақдирда, аниқланган қарздорлик у аниқланган санадан бошлаб, кўпи билан уч йил учун суд орқали ундирилади", деб қўрсатилган. Бунда Пенсия жамғармаси бўлимларида орттиқча пенсия тўловлари аниқлангани заҳоти, орттиқча тўловни ундириш

– Суднинг қарори билан жамоа ҳужаги аъзосининг иш стаж тасдиқланган тақдирда ушбу стажни белгилаш 16 ёшдан бошлаб амалга оширилади, агар иш стаж бошланиши 1941-1945-йиллардаги уруш даврига тўғри келса – 14 ёшдан белгиланади.

– Фуқаро пенсия жамғармаси бўлими ёки иш стажини белгилаш бўйича махсус комиссия томонидан чиқарилган иш стажини қабул қилиш ёки қабул қилмаслик тўғрисидаги қарорга рози бўлмаса, ушбу масала суд томонидан ҳал этилади.

Саволларга Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси вилоят бошқармаси Пенсия ва нафақалар тайинлаш гуруҳи раҳбари Алишер РАСУЛОВ жавоб берди.

◀ Бошланғич 1-бета

Томорқа — хазина

БИР ЙИЛДА УЧ ҲОСИЛ

Чинос туманидаги "Тонг юлдузи" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Шамсиевлар хонадони томорқадан самарали фойдаланишда бошқалардан ажралиб туради. Мазкур хонадонга қачон ташриф буюрмагун уй бекаси Гулноза опани ҳаммаша иш жараёнида кўрасиз.



Уй юмушларидан ортди, дегунча ҳовлисидаги мўъжазгина иссиқхонага талпинди.

Айни пайтда, иссиқхонада бодринг ва помидор парвариш қилинмоқда.

— Ёшлигимдан меҳнатга ўрганганман, — дейди Гулноза Шамсиева. — Шу сабабдан бир зум ҳам бўш тургим келмайди. Кун бўйи фарзандларим ва невараларим билан бирга томорқадимиз. Халол меҳнат туфайли рўзгоримиз бут.

Иссиқхонадаги биринчи ҳосил бозорга чиқарилапти. Яқин кунларда ҳосил тўлиқ йиғиб олиниб, иккинчиси экилади. Г. Шамсиеванинг айтишича, бир мавсумда уч марта сабзавот парваришланиб, йилига ўн сотих ердан 25 миллион сўм соф фойда олинар экан.

— Маҳалладаги аксарият аҳоли деҳқончилик билан шуғулланади, — дейди "Тонг юлдузи" МФЙ раиси Абдумутал Умаров.

— Ҳар қарич ерни бўш қўймасдан самарали фойдаланишга одатланган маҳалладошларимизнинг асосий даромади томорқадан келади. Бир неча кун олдин ишчи гуруҳимиз билан маҳалладаги ҳар бир хонадонни кўздан кечирдик. Томорқаси қаровсиз ҳолатга келтирилган оила учрамади.

Маҳалла оқсоқолининг айтишига қараганда, аҳоли орасида янги иссиқхоналар барпо этиш мақсадида кредит олиш учун ёрдам сўраётганлар сони ортиб бормоқда. Жойларда "Томорқа хизмати" марказлари ташкил қилиниб, томорқа эгаларига турли хил хизматларни таклиф қилмоқда. Энг муҳими, маҳалла аҳли қилаётган меҳнати муносиб баҳоланаётганидан, даромади ортаётганидан мамнун.

Ўз мухбиримиз
Мансур ХИММАТОВ
олган сурат

ҲАМ ДАРОМАД, ҲАМ САЛОМАТЛИК

Қуйи Чирчиқ туманида шахсий томорқасидан унумли фойдаланаётган, шу орқали нафақат ўз рўзгорига барака киритаётган, балки бозорларга ҳам тўкинлик улашаётган инсонларнинг кўпчилигидан дилингиз ёришади.

Тумандаги "Бешкапа" маҳалла фуқаролар йиғини идорасига кириб борар эканмиз, бизни очик чехра билан қарши олган маҳалла раиси Халима опа Рискулова: "Маҳалламиз аҳлининг барчаси томорқасида бўш жой қолдирмай, меҳнат қилади, қайси хонадонга олиб кирай?" деди.

Дарҳақиқат, биз сафаримиз давомида ушбу маҳаллада меҳнатсевар оилаларнинг кўпчилигига гувоҳ бўлдик.

Худудда аҳил ва меҳнаткаш оила сифатида танилган Холбоевлар хонадонига кириб борганимизда кенг ва саранжом-сарипта ҳовли, шинам уй-жойлар эътиборимизни тортди.

— Бу ерда ака-ука Исомиддин ҳамда Фахриддин Холбоевларнинг оиласи аҳил-иноқ яшайди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси. — Уларнинг хонадонини маҳалладаги энг намунали ва фаол оилалардан бири ҳисобланади. Хонадон аҳлининг деярли барчаси асосий иши билан биргаликда томорқасида меҳнат қилади. Шундан толанг даромадлари ҳисобига мана шундай кўркем иморатлар солишган, тўйлар ўтказиб, эл дастурхони тўкин бўлишига ҳисса қўшиб келишмоқда.

— Жами 13 сотих еримиз бор. Қўриб турганингиздек, иссиқхона шаклидаги полиэтилен плёнка остига қорейс турпи (дайкон) эканмиз, — дейди хонадон соҳибни Исомиддин Холбоев. — Дармондорига бой ушбу сабзавотни бир неча йилдан буён етиштирамиз. Ҳосили пишиб етилди, бир ҳафтага қолмай уни йиғиб оламиз.

Қаровини жойига қўйсангиз тез пишади. Шунинг учун ундан йилга уч марта ҳосил олиб келаямиз. Буюртмачи харидорларнинг ўзлари келиб, йиғиб олинган турпни олиб кетишади. Бундан ташқари, помидор, бодринг, картошка, турли кўкат ва резаворлар ҳам эканмиз. Айни кунларда бу турдаги сабзавотларни кенг далада экишни йўлга қўйиш мақсадида туман ҳокимлигига фермер хўжалиги ташкил этиш учун 40 гектар ер майдони ажратишни сўраб мурожаат қилдик. Ҳозир уни расмийлаштириш ишлари ҳал бўлаяпти.

Хонадон соҳибларининг айтишича, ота-оналари уларни болаликдан ерга, табиатга, ҳайвонларга меҳрли бўлишга ўргатишган. Шу сабабли, бу оилада ернинг ҳар қаричи азиз саналади, ундан самарали фойдаланиш учун йил ўн икки ой тиним билмай меҳнат қилинади, шундан келади дарамад эвазига эса тўқ ва фаровон умр кечирилади.

Исмомиддин аканинг тили билан айтганда, меҳнатдан инсон факат роҳат, бахт, сиҳат-саломатлик топади. Энг муҳими, унинг ҳалол меҳнати доим кўнглини ёритиб туради, рўзгоридан барака аримайди...

Дарвоқе, маҳалла раиси жорий йилнинг ўзига яна ўн оила иссиқхона қуриб, қиш ойларида ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳаракатида юрганлигини айтди. Хонадонини обод, эл дастурхонини тўкин қилаётган бундай фидойиларнинг меҳнатига тасанно айтсак арзийди.

Ҳолида РАҲИМЖОН қизи

Ҳафталик

Шу кунларда вилоятимиз бўйлаб "Ёшлар ҳафталиги" ўтказилмоқда. Лойиҳа доирасида етакчи ва сардорлар учун психологик тренинглари, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш, уюшмаган ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш каби чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

ЁШЛАРНИ БИРЛАШТИРГАН ЛОЙИҲА

«Бир китоб ол, бир китоб қўй!»

Ушбу ҳафталик муносабати билан Нурафшон шаҳрида 100 дан ортиқ бадий китобларни жамлаган янги типдаги кутубхона ташкил қилинди. У кўча юзидан жой-



лашган. Кутубхонадан фойдаланишда ўзгача услуб қўлланилмоқда. Хусусан, китобхона ўқиш учун бир асарни олиб, ўрнига бошқаси қўйиб кетилди. Натижада, кутубхона базаси бойиб, ўқувчида танлаш имконияти ҳам ортди.

— Китоб инсонни комилликка етаклайди, — дейди Ёшлар иттифоқи Нурафшон шаҳар кенгаши бош мутахассиси Аббос Исоқов. — Келгусида бадий асарлар сонини кўпайтириб, китобхоналар ўртасида турли хил танловлар ўтказишни режалаштирганмиз.

Соғ танда соғлом ақл

Ҳафталик доирасида Бўқа туманидаги 5-мактабда ёшларни спортга кенг жалб қилиш ва уларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш мақсадида "Стол тенниси" бўйича мусобақа ташкил этилди. Унда 72 нафар иштирокчи қатнашди. Беллашулар кескин кураш ва мurosасиз баҳсларга бой бўлди. Мусобақа якунида ғолиблар аниқланиб, эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

— Бугун тенгдошларим билан мириқиб теннис ўйнадик, — дейди мусобақа ғолиби Фаррух Бахтиёров. — Мақсад фақат ғолиблик эмас, асосийси иштирокдир. Бу бизга жуда катта куч бағишлайди.

Аббос ишли бўлди

Бугунги кунда Бекобод туманида вақтинча ишсиз ёшлар талайгина. Уларни меҳнатга жалб қилиш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилапти. Хусусан, уюшмаган ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида улар фермер хўжаликларига бириктирилмоқда. Айни дамда ўсмирлар мавсумий ишларда ишлаяпти.

— Мен тиббиёт коллежини тамомлаганман, ҳозирда ишсизман, — дейди Аббос Ҳайдаров. — Бугун Ёшлар иттифоқи ходимлари хонадонимизга келиб, мавсумий ишларга жалб қилишди. Бундан хурсандман. Сабаби, меҳнати билан пул топиш имкониятига эга бўлдим.

Бизнес саёҳат

Ўзбекистон ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш маркази вилоят бўлими ва Ёшлар иттифоқи Охангарон шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда "Бизнес саёҳат" лойиҳаси ташкил этилди. Саёҳатга 50 нафар уюшмаган ёшлар ва бизнес клуб аъзолари жалб қилинди.

Иштирокчилар шу кунги худуддаги "Trend tex" масъулияти чекланган жамияти ва "Limax gold textile" қўшма корхонасига ташриф бую-



риб, тажрибали тадбиркорлар фаолияти билан яқиндан танишдилар. Учрашуларда ишбилармонлар ёшларга тадбиркорликнинг сир-асрорлари ҳақида сўзлаб бердилар. Тадбир якунида қатнашчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофича жавоб олишди.

Ёш келинлар билан суҳбат

Тошкент туманида ўтказилган тадбирларда 150 нафардан ортиқ ёшлар иштирок этишди. Лойиҳа доирасида ёш келинлар билан давра суҳбатлари ташкил қилинди. Учрашуларда маҳалла фаоллари, малакали психологлар, қайноналар кенгаши аъзолари уй бекалари керакли тавсиялар беришди.

— Келинларнинг бандлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Ёшлар иттифоқи Тошкент тумани кенгаши раиси Ҳикмат Зиямуддинов. — Уларнинг 10 нафари "Milagro tex" тикувчилик фабрикасига ишга жойлаштирилди. Биз бу билан тўхтаб қолмаймиз. Ёшларни ишга жойлаштириш борасидаги амалий ишларимиз давом этади.

Зухриддин РАҲМОНОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири

Вилоят бўйлаб

«Янгиобод» — янада обод

Бугунги кунда мамлакатимизнинг бошқа худудларида бўлгани каби Пискент тумани худудидида ҳам "Обод қишлоқ" дастури доирасида бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги "Обод қишлоқ" дастури амалга ошириш бўйича махсус штаб аъзолари томонидан янги лойиҳа асосида қишлоқнинг замонавий кўринишини барпо этиш учун алоҳида чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Жумладан, Янгиобод қишлоғида 40 дан ортиқ хонадон-

лар таъмирланиб, атрофи ободонлаштирилмоқда. Бу кўламадаги бунёдкорлик ишларини Новкент қишлоғида ҳам қўриш мумкин. Бу ерда замонавий замонавий кўринишини барпо этиш учун алоҳида чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Шоира ШОМАТОВА

Ёш тадбиркор — юртга мададкор

Тошкент туманида "Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш — тараққиёт гарови" номли тадбир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Либерал-демократик партияси туман кенгашининг ёшлар қаноти аъзолари иштирок этди.

Мазкур тадбир тадбиркорлик билан шуғулланиш истиқолидаги ёшларни тажрибали ишбилармонлардан керакли тавсия ҳамда маслаҳатлар олишига қўмаклашиш мақсадида ташкил қилинди. Бундан ёшлар худуддаги "Тўхтаниёз ота" фермер хўжалигига қариб, тадбиркор Мухтор Тўхтаниёзов билан суҳбатлашдилар. Учрашувда М. Тўхтаниёзов иштирокчиларга ўз фаолияти ҳақида сўзлаб, уларнинг саволларига

атрофича жавоб берди.

— Бугунги кун ёшларига ҳавас қилса арзийди, — дейди хўжалик раҳбари. — Ҳатто, коллежда ўқиётган ўқувчи ҳам ўз бизнес-режасини тузиб, тадбиркорлик билан шуғулланиш учун банкдан кредит олиш имконига эга. Ўзининг истиқболли режалари орқали жамият тараққиётига ҳисса қўшиш истиғидаги йигит-қизларнинг кўпчилиги барчамизни хурсанд қилади.

Ўз мухбиримиз

Интилиш

Вилоятимизда ҳам яратиб берилган ана шундай имкониятлардан самарали фойдаланиб, ўзининг бизнесини ташкил этаётган, ҳусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилаётган опа-сингилларимиз сафи кенгайиб бормоқда. Бўқалик ишбилармон Ўғиллой Йўлдошева ана шундайлардан бири.

Бугунги кунда олий маълумотли иқтисодчи-мутахассис саъй-ҳаракатлари билан ташкил этилган кўп тармоқли мажмуа таркибидаги гўзаллик саломи, умумий овқатланиш муассасаси, автосервис, замонавий маиший техника, компьютер ва уяли алоқа воситалари ҳамда пойабзал таъмирлаш устaxonаларида худуд аҳолисига ўндан ортиқ турдаги хизматлар қўрсатиб келинмоқда. Бу ерда фаолият олиб бораётган 20 нафар ишчи-хизматчиларнинг асосий қисмини тумандаги касб-хунар коллежларини битирган ёшлар ташкил этаётганлиги алоҳида эътиборга лойиқ.

— Мен Президентимизнинг жорий йил Халқаро хотин-қизлар кунини муносабати билан мамлакатимиз аёлларини таъриқлаб қилган маърузаларини тинглаб, ҳаяжонланиб кетдим, — дейди Ўғиллой Йўлдошева. — Чунки, давлатимиз раҳбари ўз чиқишларида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, қонуний манфаатларини таъминлаш, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган долзарб вазифаларни белгилаб бердилар. Бугун ишлайман, тадбиркорлик қиламан, деган кишига ҳамма шарт-шароит бор. Бунга жавобан ўзимизда ҳам ҳаракат ва изланиш бўлиши керак.

Дарҳақиқат, "Қимирлаган қир ошар", деганларидек, ишбилармон аёл тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятини янада кенгайтириш ва замон талаблари асосида тақомиллаштириб боришни режалаштирмоқда. Хусусан, яқин кунларда бу ерда энг сўнгги русумдаги техника ва уску-

налар билан жиҳозланган автомобилларга комплекс техник хизмат қўрсатиш мажмуаси ишга тушади. Бундан ташқари, туман марказида ёшлар учун замонавий компьютер ўқуви, қизларга тикувчилик ва қандолатчилик касбини ўргатиш тўғрисида ҳамда аёлларнинг тадбиркорлик ўқув курсини ташкил этиш ҳаракатида юрибди.

Тадбиркорнинг айтишича, бундай ишларнинг худудий давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, хусусан, хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда амалга оширилиши аёллар бандлигини таъминлаш, уларнинг меҳнат



шароитларини яхшилаш, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёш қизларни оилавий ва ҳусусий тадбиркорликка, ҳунармандликка кенг жалб этишга хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз

Партиялар ҳаётидан

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР АСОСИЙ ТАЯНЧ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши томонидан бошланғич партия ташкилотлари ходимлари учун ўқув-семинарлар ўтказилмоқда.

Охангарон туманидаги Нуробод энергетика касб-хунар коллежида ташкил этилган навбатдаги ўқув-семинарда Ангрен, Олмалик шаҳарлари ва Охангарон тумани бошланғич партия ташкилотларининг раислари ва фаоллари иштирок этди.

Семинарда бошланғич ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил этиш, аъзолари малакасини ошириш, партия дастурида белгиланган устувор вазифалар

ижросини таъминлашдаги ролини кучайтириш мавзуларида сўз борди.

Ўқув-семинар давомида бошланғич партия ташкилотлари фаолияти самардорлигини ошириш юзасидан иштирокчиларнинг таклиф ва мулоҳазалари тингланди.

Бундай ўқув-семинарлар вилоятимизнинг Бўқа, Бўстонлиқ, Ўрта Чирчиқ ва Янгийўл туманларида ҳам бўлиб ўтди.

КУН ТАРТИБИДА — АЁЛЛАР МАНФААТЛАРИ

Ангрен шаҳрида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вилоят кенгаши "Аёллар қаноти" ташаббуси билан "O'zLiDeP — тадбиркор аёллар манфаатлари ҳимоясис" мавзусида ташкил этилган давра суҳбатда аёлларга алоҳида алоҳида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислохотлар моҳиятини аёллар ўртасида кенг тарғиб қилиш, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга оширишда хотин-қизларнинг тутган ўрни билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Тадбирда таъкидланганидек, партия "Аёллар қаноти" томонидан хотин-қизларнинг тадбиркорликка жалб этиш мақсадида ташкил этилаётган турли лойиҳалар, форумлар нафақат тадбиркор хотин-қизлар сони ортишига, айни пайтда, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга ҳам хизмат қилмоқда.

— Давра суҳбатидида ҳамкор ташкилотлар ходимлари томонидан опа-сингилларимизни тадбиркорликка йўналтириш борасида яратилган қонуний, ҳуқуқий асослар, тақдир этилган имтиёз ва преференциялар

тўғрисида маълумот берилди, — дейди партия вилоят кенгаши "Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш" бўлими мудири Муяссар Жамолдинова. — Шунингдек, тадбиркорлик ривожига тўсқин бўлаётган муаммоларни аниқлаш ва депутатлик гуруҳлари ёрдамида уларнинг ечимига қаратилган амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадбир доирасида хотин-қизлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси ва миллий либослар намоиши бўлиб ўтди.

"Тошкент ҳақиқати" мухбири Юлдузхон МУҲИДДИНОВА тайёрлади

Ҳаваскор жамоалар беллашуви

Қибрай тумани "Дўрмон" маданият саройида талабалар театр студиялари фестивали бўлиб ўтди.



Унда Тошкент давлат аграр университети, Техника университетининг Олмалик филиали ҳамда Чирчиқ давлат педагогика, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтларининг ҳаваскор жамоалари ўзаро беллашди.

Мазкур тадбир "Ёшлар келажак бунёдкори" шiori остида ташкил этилган бўлиб, ёш авлодни Ватанга садоқат, миллий-умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган билан эътиборлидир. Фестиваль иқтидорли ёшларни кашф этиш, уларни ҳар то-

монлама қўллаб-қувватлаш, истеъдодларини намоён қилиш имконини беради.

Қатнашчиларнинг ҳар бир чиқиши ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди.

Беллашув ғолиб ва совриндорлари муносиб рағбатлантирилди.

З. РАҲМОНОВ

Қ. ҒОҒУРОВ олган сурат

Бандлик

Мамлакатимизда иқтисодий ҳаётда ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилиши натижасида ҳар йили минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 24 майда имзоланган "Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада та-

комиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида банд бўлмаган аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини такомиллаштиришга доир муҳим вазифалар белгиланган.

Шунга мувофиқ, вилоятимизда ҳар йили демографик ва меҳнат бозори омилларини ҳисобга олган ҳолда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича бандлик дастурлари қабул қилинади. Вилоят бандлик бош бошқармаси мутахассисларининг таъкидлашича, 2018 йилга мўлжалланган дастур лойиҳасини ишлаб чиқишда ҳам меҳнат бозоридаги талаб ва тақлиф чуқур ўрганилган барибарадида иқтисодиёт тармоқлари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган "Йўл харитаси" инobatга олинган.

нида вилоятимиздаги ҳудудий шаҳар ва туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларига 6 минг 426 нафар фуқаро иш сўраб мурожаат этган. Мазкур мурожаатлар ўз вақтида назоратга олиниши натижасида фуқароларнинг 6 минг 40 нафари, яъни 94 фоизи доимий ва икки мингга яқини мавсумий ишларга жойлаштирилди. Ободонлаштириш ва бошқа ишларга 3 минг 200 киши ёлланган. Уларнинг асосий қисmini ёшлар ва хотин-қизлар ташкил этади. Таъкидлаш керакики, жойларда дастурнинг амалга оширилиши нафақат янги иш ўринлари ташкил этиш,

та йўналишга, яъни ёшларга бизнесни бошлаш ва аҳолининг ишга жойлашиш имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Айтиш жоиз, жойларда аҳоли бандлигини таъминлаш борасида айрим муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, таҳлиллар Ангрен ва Олмалик шаҳарлари меҳнат бозоридаги вазият мураккаблигига қўлаётганини кўрсатмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири, ишсиз фуқаролар учун ҳар жиҳатдан маъқул келадиган ишнинг камлиги, корхона ва ташкилотлардаги мавжуд иш ўринларининг қисқараётгани



Одам ўз-ўзидан қўлига қалам олмайди. Ниманидир ёзишни истадими, демак, у жуда қувонган, суюнган ё бўлмаса, қаттиқ ранжиган. Айтадиган гапи борки, ёзади.

Тахририятимизга вилоятимизнинг шаҳар ва туманларидан кўплаб мактублар келишини айтгандик. Бугун ҳам улардан бир нечасини нашрга тайёрладик. Мақсад – одамлар хур-

сандчилигини, ҳаётдан мамнунлигини кўрсатиш, шу билан бирга, ўз дардини кимга айтишни билмай, бизга хат ёзган газетхонга ёрдам беришдир.

«ПАРЧАЮЗ» АҲЛИНИНГ ИСТАГИ

Сўнгги йилларда муҳтарам Президентимиз бошчилигида соғлиқни сақлаш, тиббий хизматни янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айниқса, бу соҳаларни тубдан ислоҳ қилиш бўйича улкан ишлар амалга оширилган. Кўпчиликни қувонтираётгани ҳақиқат. Аммо, айрим кишиларнинг ҳеч қандай сабабсиз, асоссиз қилаётган хатти-ҳаракатлари одамларимизда норозилик кайфиятини уйғотмоқда, десак тўғри бўлади. Бундан 20 йил муқаддам бизнинг Бекобод туманимиздаги "Парчаюз" МФЙ марказида замонавий

КВП ишга туширилган эди. Унинг хизматидан кўп сонли, жумладан, "Парчаюз", "Бешюз", "Ўювли", "Тожиқовул", "Оқтом" маҳаллалари аҳолиси баҳраманд бўлаётганди. Бошқача айтганда, пункт 6,5 мингдан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатарди. Нима бўлди-ю, шу йилнинг 1 мартидан бу маскан ўз ишини тўхтатди. Ҳеч бир сабабсиз, маҳалла аҳли, одамлар розилигисиз тиббиёт муас-

сасини чекка бир ҳудуд – "Пастки кераит" маҳалласига кўчириб юборишди. Ҳўш, муассасани аҳоли сони у қадар кўп бўлмаган жойга кўчирилганини қандай тушуниш керак?

Ҳозир муассаса "Парчаюз", "Бешюз" ва "Оқтом" маҳаллаларидан 10-15 км. узоқда. Ўзингиз ўйлаб кўринг, чекка ҳудуддаги шифо даргоҳига транспортда етиб боришнинг ўзи ҳам катта муаммо... Муассаса аввал аҳоли гавжум яшайдиган марказий жойда эди. Етмаганига ҳозирги жойи замонавий врачлик пунк-

ти талабларига жавоб берайми. Шунинг учун у аввалги жойига қайтарилса, мақсадга мувофиқ бўларди. "Парчаюз" маҳалласида яшаётган 6-7 мингдан зиёд аҳоли шуни истайди.

Одамларни норози қилиш эса, Президентимиз олиб бораётган бугунги сиёсатга мулқлақ зиддир!

Хурматли тахририят! Ушбу истагимизни газетда ёришиб, бизга амалий ёрдам кўрсатишингизни сўраймиз.

"Парчаюз" маҳалласи аҳолиси номидан
Ж. ҚУШОҚОВ, Х. ИСМОИЛОВ,
У. БОЗОРБОВ, А. ҚУШОҚОВ,
М. АХМЕДОВ, М. БЕГАНОВ

ИШ БОРУ ХОҲИШ
ЙЎҚ...МИ?

– Ижроси таъминланаётган дастурга мувофиқ, меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш, вақтинча ишсиз аҳолини, айниқса, ёшларни ишга жойлаштириш бўйича самарали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, – дейди вилоят бандлик бош бошқармаси масъул ходими Зухриддин Куролов. – Шунингдек, таъкидлаш керакики, манзилли дастурни тайёрлаш жараёнида биринчи навбатда касб-ҳунарни коллежлари битирувчилари, хотин-қизлар, аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари ва кам таъминланган оилалар аъзолари бандлигини таъминлашнинг аниқ имконияти ва йўналишлари ҳар томонлама ўрганилган ва улар учун қўшимча квоталар белгиланган ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Масалан, 2017 йилда касб-ҳунарни коллежлари ва олий таълим муассасаларининг 40 мингга яқин битирувчилари захира қилинадиган (квоталанган) иш ўринларига жалб этилди.

Маълумотларга кўра, шу йилнинг ўтган даври мобай-

да дастур доирасида меҳнат ресурслари кўп бўлган корхона ва ташкилотлар аниқлашиб, бўш иш ўринлари жадвали шакллантирилмоқда. Банд бўлмаган аҳолини ўз қизиқиши, лаёқати ва талабига қараб ишга жойлаштиришда уларни қайта касбга ўқитиш усули яхши самаралар бераётди.

Бундан ташқари, жойлардаги марказлар, мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида битирувчиларни корхоналарга мутахассислиги бўйича бириктириш, уларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун имтиёзли микрокредитлар ажратиш, "Ягона дарча" марказларида давлат рўйхатидан ўтишларида кўмаклашиш, замонавий ишлаб чиқариш усули яхши самаралар бераётди.

Туман ва шаҳарларда ўтказиб борилаётган бўш иш ўринлари ярмаркаларида 2

лигидир. Ушбу муаммоларнинг ечимини топиш бўйича ҳокимлик ва масъул идоралар билан ҳамкорликда манзилли қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Ўтган давр мобайнида юз нафардан ортиқ фуқаронинг ўз мутахассислиги бўйича иш ўрнига эга бўлгани бундай саъй-ҳаракатларнинг дастлабки натижаси дейиш мумкин.

– Анча вақтдан бери ўзимга муносиб иш топа олмаётган эдим, – дейди 3-гуруҳ ногирони Шавкат Ҳусанов. – Яқинда бу масала бўйича Оҳангарон тумани бандликка кўмаклашиш марказига мурожаат қилгандим. Марказ ходимлари сўровномамни ўрганиб чиқиб, жорий йилнинг март ойида тегишли йўллама асосида Оҳангарон йўллардан фойдаланиш унитар корхонасига доимий ишга жойлаштиришга кўмаклашишди. Бундан миннатдорман.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоя қилиш, улар учун қўлай шароит яратиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Фуқароларимизнинг ўзи хоҳлаган соҳада фаолият юритиши, бошқача айтганда, ишли бўлиши нафақат оилалар фаровонлигини ошириш, балки жамият ривожини, давлатимиз тараққиётига ҳам хизмат қилади.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

СЎЗИ ДАВО, МЕҲРИ ДАРЁ
ШИФОКОРЛАР

Меҳр – дунёнинг устуни, деган гап ростлигини дардга чалиниб, эътиборга муҳтож бўлганнингизда яхши англаб экансиз.

Яқинда Чирчиқ шаҳридаги вилоят кўп тармоқли шифо масканида даволандим. Жонини дард буровга олганда бир оғиз ширин сўзининг гадасига айланаркан киши. Айниқса, шифохонада. Шундай пайтда тили ширин, қўли енгил шифокорлар борлигига шукр қиламиз.

Ростини айтсам, уларнинг дам-бадам қилиб ҳолимиздан хабар олишлари, дардини енгитишда озми-кўпми асқотди. Одамнинг чўнтагига қараб муолажа қиладиган "шифокорлар" кўпайиб кетди, деган гаплар сўнгги пайтларда тез-тез қулоғимизга чалинаётди. Бироқ, ўз касалимга содиқ, оқ либосига доғ туширмайдиган, касбини, шайини ҳамма нарсадан устун қўядиган шифокору

хамширалар ҳам талайгина орамизда. Хуллас, ҳамхоналарим – оҳангаронлик Меҳмон ва янгийўллик Зулхуморлар билан муассасада яратилган имконият, қўлайлик ва шарт-шароитлардан мамнун бўлдик. Аслида, бу юртимизда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг самарасидир. Илоҳим, диёримизга, тинчлигимизга, фаровон ҳаётимизга кўз тегмасин.

Чин инсоний фазилатлар эгаси, меҳр ва шафқат посбони бўлган вилоят кўп тармоқли шифо масканининг барча шифокорларига, ҳамшираларига ўз миннатдорчилигини билдираман.

Насиба АБДУСАТТОВА,
Куйи Чирчиқ тумани,
Гул қишлоғи

ҚОИДАГА РИОЯ ЭТИШ –
ҲАР ЖИҲАТДАН ФОЙДАЛИ

Давлатимиз раҳбарининг "Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан вилоят ИИБ ЙҲХ бошқармаси томонидан йўл ҳаракати иштирокчиларининг қоидаларига риоя қилиш маданиятини ошириш, аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширишга қаратилган "Автопатруль рейд" профилактик тадбири ўтказилди.

Тадбир доирасида йўл-патруль хизмати инспекторлари томонидан 130 дан

зиёд маст ҳолда ва 70 дан ортиқ тегишли ҳужжатларсиз транспорт воситасини бошқариш ҳолатлари аниқланиб, зарур чоралар кўрилди. Қоидабузарларга тегишли бўлган 200 дан зиёд автомашина вақтинчалик жарима майдонларига қўйилди.

Вилоят ИИБ ЙҲХБ матбуот хизмати



Агар огоҳ сен...

Бугун халқимиз ўз олдига эзгу ва улуғ мақсадлар қўйиб, ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритмоқда.

Юртимиз мустақилликка эришгандан буён, халқимизнинг мустабид тузум даврида топталган ижтимоий, маънавий ва диний қадриятлари қайтадан тикланди. Юртимиз ҳамма соҳаларда ривожланиш ва тараққиёт йўлига кирди. Бироқ, сир эмаски, бундай муваффақиятларга осонликча эришилаётгани йўқ. Бинобарин, истиклолнинг ўтган 27 йили мобайнида тинчлигимизни қўрқолган нопок кимсалар тарафидан турфа кўринишларда халқимиз қалбига шубҳа ва гумонлар уйғотишга, аҳолининг самимияти, ўзаро иттифоқлигига, меҳр-оқибати раҳна солишга ҳаракатлар бўлди. Уларнинг алдовига учган баъзи ёшлар эса ўз Ватанига, элига, ота-онасига, қариндошларига ҳиёнат қилиб, гуруҳбозликка берилдилар. Натижада, хоржиш мамлакатларда ин қуриб олган гуруҳбозлардан мадд олган ғаламислар мамлакатимизда нотинчлик, тарафқашлик, диний ақидапарастлик ва вайронгарчи-

ликларни келтириб чиқаришга уриндилар.

Ўзбекистоннинг барча гушалари, айниқса, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қарши, Фарғона, Андижон, Наманган шаҳарлари таниб бўлмайдиган даражада



ўзгариб, йўллар равонлашиб, қишлоқлар ҳам шаҳарлардан қилинмайдиган даражада гўзаллашиб бормоқда. Бундай ободончилик, тараққиётнинг сабаби, энг аввало, юртимиздаги тинчликдир. Тинчлик қарор топган юрда хотиржамлик

ҳукм суради, оқибатда жамиятда ҳар томонлама юксалиш ва ривожланиш бўлади.

Халқимизнинг бошқаларга ҳеч ўхшамайдиган, минг йиллар давомида шаклланган, нафақат ўзаро муомала, балки ҳаётимизнинг узвий бир қисми сифатида намоён бўладиган бир қатор ўзига хос хусу-

сиятлари, бағрикенглиги, меҳр-оқибат каби фазилатлар билан йўғрилган диний, маънавий, маънавият юксак даражада экан, юртимиз тинчлиги ва осойишталиги бардавом бўлишига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Ҳозирги глобаллашув даврида сергаклики ҳеч вақт йўқотмаслигимиз, ҳар биримиз доимо огоҳ бўлишимиз тинчлигимиз бардавомлиги учун имкон яратди. Бундан ташқари, атрофимизда ва дунёда бўлаётган қарама-қаршиликларни кузатиб боришимиз, таҳлил қилишимиз ва кесаракли ҳулосалар чиқаришимиз даркор.

Афғонистон, Ироқ, Суррия урушлари, айрим давлатларга бўлаётган таҳдидлар, рангли инқилоблар бу – реал ҳақиқатлардир. Агар биз ана шу воқеалардан ўзимизга тегишли ҳулосалар қилиб олмасак, бизни ҳам бу тахрибакор сиёсатчилар ўзларининг "лабораториялари"га тортишга ҳаракат қилишлари ҳеч гап эмас...

Айтиб ўтиш жоизки, уларнинг энг сигналлар ва яхши кўрган тадбирлари ҳар қандай мамлакат ичидан ўзларининг юқорида айтиб ўтилган "ковак" фирмалари ёрдамида фитна чиқариш ва ана шу тартибсизликларни барбора қилиш мақсадида "кимматли" маслаҳатлари ва кейинчалик қўролли "ёрдамлари" билан аралаштириш. Яъни, "демократия", "умуминсо-

ний қадриятлар" ниқоби остида улар фақат ўзларининг сиёсий ва иқтисодий манфаатларини қўлаётгани дунёқарши тоғ инсонлар учунгина мавҳум бўлиб қолмоқда.

Эътибор беринг, юқорида номи тилга олинган барча мамлакатлар ё сиёсий, ё географик ёки иқтисодий жиҳатдан халқаро майдонда катта аҳамият касб этади. Монголия, Гондурас, Конго каби давлатлардаги демократик вазият ёки инсон ҳуқуқлари нима учун бу "инсонпарвар" кучларни безовта қилмайдиган? Нима учун бу мамлакатларда "ковак" фирмалар тузилмайдиган? Негаки, манфаат йўқ!

Яхши эслаймиз, бир вақтлар Югославия Европанинг ривожланган давлатлари қаторига кириш арафасида турган эди, ҳозир бу давлат бири-биридан майдан бўлақларга бўлиниб кетди. Ироқ Яқин Шарқ давлатлари ичидан энг катта армияга эга қудратли мамлакат эди, ҳозирги кунга ўзингизга маълум.

Агар бу ва бошқа фитналарга мубтало бўлган давлатларга назар ташласак, уларнинг барчаси, ав-

валамбор, ичидан емирилгани ва сўнгги еллада ташқаридан берилган зарбадан парчаланиб кетганини кузатамиз.

Биз ажодларимиздан қолган қимматли меросларни асраб-авайлаб, келажак авлодларга бус-бутун топишишимиз лозим. Ким учундир Ўзбекистон қадим тарих ва маданиятга эга сўлим гўша, она юрт, ким учундир эса у минтақада жуда муҳим аҳамият касб этадиган ҳудуд, ҳолос.

Айтмоқчи бўлганимиз, огоҳ бўлинг, ўзингиз билмаган ҳолда ана шу кучларнинг тегирмонига сув қуювчи текин мардикор бўлиб қолманг! Бугунги кунда ҳар бир юртдошимиз, миллатдошимиз олдидан энг долзарб масалалар бу – миллий манфаатлар масаласидир. Нимаки халқимиз манфаатига жавоб берса, ўша ишни қўллаб-қувватлаш ва нимаки она диёримиз манфаатларига зид бўлса, шу нарса билан муроасиз кураш олиб бориш даркор.

Ирода МУҲАММАДЗИЗОВА,
Республика "Маънавият ва масрифат" маркази вилоят бўлими етакчи мутахассиси

Профилактика

Вилоят ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси аҳоли гавжум жойлар, хусусий сектор ва жамоатчилик муассасаларида ёнғинлар профилактикасига қаратилган тадбирларни мунтазам ўтказмоқда. Турли учрашувлар, семинарлар, давра суҳбатлари ва тактик ўқув машғулотлари шулар жумласидандир.

ЁНҒИН
ЁВДАН
ЁМОН

Тадбирларда ички ишлар органлари, давлат ёнғин хавфсизлик хизмати, фавқулодда вазиятлар бўлими, тез тиббий ёрдам ва коммунал корхона-ташкилотлари вакиллари иштирок этмоқда.

Бўстонлик туманидаги "Чорвоқ оромгоҳи" ҳудудида ўтказилган тушунтириш-тарғибот тадбирлари давомида ёнғинларнинг олдини олиш, ёнғин содир бўлганда ҳаракатланиш тартиб-қоидалари, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун зарур бўлган бошқа ташвиқотлар берилди. Ўз навбатида, тарғибот тадбирида иштирок этган фуқаролар ўзлари учун керакли билим-қўнималарга эга бўлишди.

Шунингдек, ёнғинлар профилактикаси жараёнида "Чорвоқ оромгоҳи" ҳудудида вилоят ёнғин хавфсизлиги куч ва воситаларини жалб қилган ҳолда, ёнғинни ўчириш бўйича амалий ўқув-тактик машқи ўтказилди.

Таъкидлаш лозимки, ёнғин хавфсизлиги талаблари бузилиши ёнғинлар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Хусусан, оловдан эҳтиётсиз фойдаланиш ҳам ўт чиқишига сабаб бўлади. Ёз мавсумида ақсарият фуқаролар дам олиш мақсадида, тоғ ва тоғолди ҳудудларига боради.

Вилоят ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси мутахассислари дам олиш чоғида турли кўнгилсиз ҳолатлар келиб чиқмаслигининг олдини олиш учун мунтазам тушунтириш-тарғибот тадбирлари ҳамда машғулотлар ўтказиб келмоқда.

Дилмурод ТОШМУҲАММЕДОВ,
Ёнғин хавфсизлиги кичик инспектори

Тошкент воҳаси: афсона ва ҳақиқат

Фарбий Тянь-Шань тоғларида ёлғизоёқ йўллар кўп. Мазкур ҳайратомуз тоғ тизими эгаллаб ётган бепоеён ҳудудлар "Уғом-Чотқол" давлат миллий табиат боғ таркибига киририлган. Мана, чорак асрдан ошдики, ноёб ўсимлик ва ҳайвонот ола-

ҚОПЛОН, НЕГА КЎЗИНГ ТЎЛА ЁШ?



Урмон назоратчиларини қадим-қадимдан хайрли касб эгалари сифатида қадрлаб келишади. Зеро, урмон – назоратчиларнинг иккинчи уйи. Бу уйда "яшаётганлар"нинг ҳар бири ўз ўрнига эга. Урмонда янграётган ҳар бир товуш – ҳаёт оҳанги, унинг мангу садоси. Булбулнинг хонини, ук-кининг нолиши, қизиштишнинг тақ-туқи, шохдор бўғунинг дарахт барглари шитирлатиши – ҳамма-ҳаммасининг ўз ўрни, мазмун-моҳияти, аҳамияти бор.

Одатда, тоғларда алоҳида сокинлик ҳукмрон бўлади. Айниқса, қорли чўққилар мум тишлагандек.

Асаларичилик

Маълумотларга кўра, Миср фиръавни Тутанхамон хилхонасидан асал солинган идиш топилган. Буни қарангки, орадан 3 минг йил ўтган бўлса-да у бузилмаган, қолаверса, ўз хусусиятини йўқотмаган экан. Испаниянинг Аран горида чикқан археологик топилмалар эса, одамлар милoddан аввалги 10-5 мингйилликларда ҳам асаларичилик билан шуғулланганини кўрсатади. Табиблар асл асал айнимаслигини, шифобахшлиги жиҳатдан тенгсизлигини айтишган.

АСЛ АСАЛ
АЙНИМАЙДИ

– Бозор тили билан айтганда, асал – асалари ишлаб чиқарадиган маҳсулот, – дейди бўстонликлик асаларичи Нодир Бобоев. – Ишчи арилар шира йиғиб, уни қайта ишлаб, асалга айлантиради. Унинг мўъжизалиги мана шунда. Бу жараёнда сахароза ўзгаришга учраб, фуруктоза ва глюкоза ҳосил қилади. Биласизми, асал жониворлар вужуди таркибидagi асосий моддалардан бўлмиш рибозни ўз ичига олган ягона озуқа моддаси бўлиб, микроб тушмайдиган бирдан бир егулик. Асал қарийб 100 фоиз организмга сўрилади ва унинг 1 килограммида 3 минг 200 калория қувват бор.



Дарҳақиқат, асал ўзининг фойдали хусусиятлари ва шифобахшлиги билан минг даража даво. Мутахассисларнинг қайд этишича, унинг таркибидa инсон организм, саломатлиги учун жуда зарур темир, йод, фтор, марганец каби микроэлементлар кўп. Шунингдек, асалда 300 дан зиёд модда ва 80 фоиздан кўпроқ углеводлар мавжудлиги исботланган.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда асаларичиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани кўнонарли. Президентимизнинг "Республикамизда асаларичилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ушбу соҳадаги туб янгиланишларга туртки бўлди. Аввало, ушбу ҳужжатга мувофиқ, "Ўзбекистон асаларичилари" уюشمаси ташкил этилди. Асал маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларини тизимли ташкил этиш, асалари пакетларини кўпайтириш ва озуқа базасини мустаҳкамлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиб, шифобахш неъмат етиштириш жараёнида илмий асосланган усул ва за-

Нақадар пойдор ва виқорли улар. Аммо, уларга яқинлашилса, манзара ўзгаради. Бу ерда бутун борлиқ нафас олаётди, яшайпти. Айнан шу ерда, маҳобатли тоғларимизнинг инсон қадами етиши мушкул бўлган жойларида фавқулodда дово-рак кишилар, овчилар, қўриқхона эгалари тоғ қоплонини кўришга мурасар бўлишган.

Тоғ қоплони (илвирси) – Тянь-Шаннинг қор қоплаган кенгликларини рамзи. Марказий Осиёнинг тоғли минтақаларида яшовчи ажиб сирли махлук. У мушуксимонлар салтанатининг энг кўркем вакили бўлиб, яшаш маскани ва ҳаракат-лавиш йўллари Афғонистон, Ҳиндистон, Хитой, Мўғулистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон чегараларида кесилсади.

Тоғ илвирси Осиёнинг кўпгина мамлакатлари почта маркасида акс эттирилганига ҳеч эътибор берганмисиз? Янги тутилган ил-

мини асрашга қаратилган ишлар миллий боғнинг фаолият дастури доирасида амалга оширилмоқда. Табиатга меҳр қўйган, барча хайрли ишларини овоза қилмай, жимгина адо этаётган бундай саховатпеша одамлар билан кўп учрашганмиз.

вирс боласи 2011 йилда Осиё йўлчилари рамзи қилиб олингани ёдингиздами? Кўп мамлакатларда тоғ қоплони қандайдир афсонавий жонзот ҳисобланишидан ҳабарингиз борми?

"Баланд тоғлар қироли" бўлган кўркем тоғ илвирси ҳам охири-охири "Қизил китоб"дан жой олган. Кўп мамлакатларда уларни овлаш тақиқланган. Жониворнинг қисмати табиат ҳимоячиларини кўпдан бери ташвишлантириб келмоқда.

Биз, Ўзбекистон аҳолиси учун ҳам тоғ қоплони бугун онда-сонда бир учрайдиган камёб ҳайвонга айланди. Уни тоғли туманларимизда ҳамон учратишяпти. Кекса чўпон Аҳмад ота 90-йилларида бир оқ қоплон ҳақидаги воқеани сўзлаб берган эди.

...У пайтда "Чотқол" қўриқхонаси ҳам, миллий боғ ҳам йўқ эди. Табиат гаройиботлари шайдола-ри бўлган ёшлар тоғларда кўнгли-ларига келганини қилиб, тоғ эчкиларига бугуларни худа-бехуда отиб ўлдираверардилар.

Бир кун Аҳмад ота қўйлари билан тоғда тунаб қоладиган бўлиб, ўғлига эрталаб барвақтроқ

ёрдамга етиб келишни тайинлади. Ногоҳон, тун қоронғусида тоғ дараси ортида шовқин-сурон аралаш ўқ овозлари эшитилди. Чўпон бугун вужуди билан қандайдир ваҳимали, даҳшатли ҳолатни ҳис этди. У тун бўйи қўйлари ёнидан жиммади.

Тонг отгач, Аҳмад ота кечаси ўқ овозлари эшитилган томонга сўқмоқлар орқали кўтарилиб борди. Бир оз юргач, рангбоши бўздек оқариб кетган икки йигитга дуч келди. Уларнинг айтишича, маст-аласт икки гуруҳ ёшлар, тунда тоғ қўйнида хунрезлик қилишибди. Кўпгина ҳайвонлар қирилди. Ичкилик оқибатида ўзлари ҳам ваҳший ҳайвонга айланганлардан бири ноёб тоғ қоплони, ҳатто ўйлаб-нетиб ўтирмай, унинг янги туғилган боласини ҳам қонга белаб ўлдирди.

Бу даҳшатли манзарани кўрган кекса чўпоннинг юраги эзилди, йиғлаб юборибди. "Энди нима бўлади?" деган савол унинг кўксидан отилиб чиқибди. Қария даҳшатли манзарадан кўзини олиб қочиб, ортга ўгирилса, беш яшар набираси унга қараб югуриб келаётган экан. Билсаки,

Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт

– Мусобақада кураш жиддий кечди, – дейди Гулбаҳор. – Чунки, рақибларим кучли эди. Беллашувга яхши тайёргарлик кўрганимиз туфайли юқори натижага эришдик.

Г. Файзиевнинг спорт оламига онаси олиб кирган. Сабаби, у қизини соғлом вояга етишини истарди. – Қизларимни спорт билан шуғулланишга барча шароитларни яратиб берганман, – дейди Гулноза Аҳмедова. – Каттаси Зарина тазаквондо бўйича республика чемпионатида иккинчи ўринни эгаллаган. Гулбаҳор эса, доим: "Мен Олимпиадага бораман", дерди. Мана, бугун орузи ушалди.

Гулбаҳор каноэда эшак эшиш машғулотларини бошлаганига энди икки йил бўлди. Лекин, шу қисқа муддат ичида салмоқли ютуқларга эришди. Жумладан, бир неча бор Ўзбекистон чемпиони бўлди. Самарқандда ўтказилган Осиё очик кубогида 200 ва 500 метр масофага эшак эшиш йўналишида шохсупага кўтарилди. Ўтган йилнинг октябр ойида эса Хитойда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида яна юқори натижа қайд этди.

Албатта, Гулбаҳор бу ютуқларга машаққатли меҳнати ва мураббий-

ТЎЛҚИНЛАР ОША...
АРГЕНТИНАГА

Испаниянинг Барселона шаҳрида ўсмирлар ўртасида байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини 8 нафар спортчи муносиб ҳимоя қилди. Бизни қувонтирадиган жиҳати, мурасосиз ўтган беллашувларда вилоятимиз спортчиси Гулбаҳор Файзиева биринчи ўринни эгаллади ва жорий йилнинг октябрь ойида Аргентинада бўладиган III ўсмирлар Олимпиадасига йўлланмани нақд қилди.



ларининг кўрсатмаларини тўлиқ бажаргани эвазига эришган. У машғулотларни Ўрта Чирчиқ туманида – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қошидаги эшак эшувчилар базасида олиб боради.

– Гулбаҳор энг иқтидорли шогирдларимдан, – дейди мураббий Екатерина Заркова. – Ўз ишига масъулият билан ёндашди, машғулотларга доим вақтида келади. Меҳнатдан қочмайди, тинмай шуғулланади. Айни кунларда у билан Олимпиадага

кизгин тайёргарлик кўраёпмиз. **Зухриддин РАҲМОНОВ,** "Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган сурат

Чанги қишлоғи ўйингоҳида белбоғли кураш мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

МАРДЛАР
МАЙДОНДА
СИНАЛАДИ

Мусобақада ўз вазн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратган Қодирхўжа Холдоров, Сардор Тўлаев, Жаҳоҳир Тўлаев, Бобомурод Пирматов, Шерзод Аскарқонов, Акрам Аслонов ғолиб чиқди.

Фуркат Тўлаганов, Бекзод Нишонов иккинчи ўринни эгаллади.

Дониёр ҚУРБОНХЎЖАЕВ

ҲИЛОЛАНИНГ ШИЖОАТИ

Паркентнинг Қорақалпоқ қишлоғидаги "Марказий" маҳалласида истиқомат қилаётган Ҳилола Шотурмонова ўзбек жанг санъати билан мураббийи Алишер Алдияров кўл остида 13 ёшидан шуғулланади.

– Илк мусобақам, ҳеч эсимдан чиқмайди, – дейди спортчи киз. – Тошкентдаги мусобақа бориш учун ота-онамдан рухсат сўраганимда, улар юқори марраларни забт этишимни талаб дуо қилдилар. Натижада, мен биринчи галабамга эришдим.

Ҳилола мураббийидан мазкур спорт тури сирасорларини ўзлаштир-

гани сари спортга бўлган иштиёқи ҳам ортиб борди. Унинг ўткир зеҳни, тез ўзлаштириш қобилияти боис кейинги нуфузли мусобақаларда ҳам ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олди.

Ҳилола Шотурмонованинг ютуқларига кўп-қилиннинг ҳаваси келади. Шу боис, маҳалладошлар унга тўғарақ

ташкил қилиб, болаларга ўзбек жанг санъатини ўргатишини сўрашди. Айни кунда у 15 нафар шогирди билан мунтазам машғулотлар ўтказмоқда. Ёш мураббийнинг Зумрадхон Мазмурова, Жаҳонгир Мухаммаджонов, Ёркиной Раҳматова, Ёқубжон Давлатов ҳамда Жаҳоҳир Фуломжонов каби шогирдлари анча фаол. Улар бугунги кунга қадар турли мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллашган ва олдиндаги турнирларга пухта ҳозирлик кўрмоқда.

Таассуф

Юртимиз ҳудудларида уч минг йиллар муқаддам пайдо бўлган "Авесто" китобида аждодларимиз инсониятни эзгу ният, эзгу сўз ва эзгу амал билан яшашга даъват этади. Барча эзгу ғоялар тақомилга етган ислом дини таълимоти асосида Бухорий бобомиз "Дилинг Яратганда, қўлинг меҳнатда" бўлсин, деб уқтиради.

Донишманд халқимизнинг асрлар элагидан ўтган бир мақолида соддагина қилиб "Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик", дейилади. Хуллас, азалдан ризқ-рўзи ҳалол меҳнат, пешона тери билан топиш имоннинг, инсонийликнинг бирламчи шарти сифатида таъкидланган. Аммо, орамизда ана шу ҳақиқатни унутиб, енгил-елпи йўллар билан

ҚИМОРГА ЖОЙ БЕРИЛДИ

виждонлар бой берилди

мўмай даромад топишга интилаётган кимсалар, афсуски, ҳамон учраб турибди. ... Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Янгийўл тумани суди ҳукмига кўра, фуқаролар С. Ходиев, А. Абдуқомиллов, Д. Акмаловлар (исм-шарифлар ўзгартрилган) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 278-моддаси, 2-қисми "а" бандида назарда тутилган жиноятни содир этганлиқда айбдор, деб топилиб, етти йилга озодликдан маҳрум қилиндилар.

Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир" бўлиб ўрганган бу кимсалар жонларини қийнатмай, пул ишлаш йўлини топишди, гўё. Таас-

суфки, 2007 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Қўриқлаш бирлашмаси комендатураси милиционерлари сафдори лавозимига ишлаб келган С. Ходиев жиноят йўлига кириб, 2015 йилнинг ноябрь ойида шериклари А. Абдуқомиллов ва Д. Акмалов билан тил бириктириб, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш мақсадида Янгийўл тумани "Қўш-ғоч" маҳалла фуқаролар йиғинидаги хонадонни ҳамда шу тумандаги "Байтиш" маҳалласида жойлашган дала ҳовли-ни қиморхонага айлантирдилар. Бу ерда ўзларига ўшаган моли-дунёга осонги-

на эга чиқиш илнжида юрган ўнлаб кимсалар жам бўлишларига шароит яратиб берадилар. Суд жараёнида айбланувчилар ўз қилмишларига қисман иқдор бўлиб, ҳақиқатни инкор этишга уринсалар-да, ашъвий далиллар, гувоҳларнинг кўрсатмалари кингир ишининг, албатта, қийинги чиқишини яна бир бор исботлади.

Айбдорлар орасида "Эл-юрт мулкни қўриқлайман", деб бир пайлар икки ишлар ҳодими либосини кийган юртдошимиз ҳам борлиги чуқур ўйга толдиради кишини... Демакки, одамларни ишсизлик, даромаднинг камлиги жиноят кўчасига етаклайди, деган қарашлар ҳар доим ҳам тўғри

бўлавермайди. Муқим иш-жойига ва ҳавас қилса арзигулик лавозимга эга кишиларнинг кингир қилиқлари, жиноятга мойиллик, аввало, тарбиянинг сустлиги ва ироданинг заифлиги билан боғлиқ эканлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳаммаша оғоҳ ашайлик, азизлар. Фарзандларимиз, яқинларимиз хатти-ҳаракатларига безътибор бўлмайлик. Осон топилган пул осонгина бой берилишини, яна камига кишини шармандали ҳолатга дучор қилишини фарзандларимизга уқтирайлик. "Меҳнат билан топганинг, қанду асал тоғганинг", деган мақол бежиз йиллар оша безавол яшаб келмаяпти, ахир!

Ш. ҲУСИМУРОВА

Bolalik bog'i

KAMTARLIK

Pingvin Delfin bilan uchrashib qoldi. Pingvin g'oz turib:

– Bizni har erda hurmat qilishadi. Antarktida, Yangi Zelandiya, Avstraliya, Janubiy Afrika, Amerika, Galapagos degan yurt qirg'oqlari – mening Vatanim. Hatto, Markaziy Evropa va Rossiyaда pingvinlarni hayvonot bog'larida ko'rsa bo'ladi. Anatol Frans degan yozuvchining "Pingvinlar oroli", Ivan Bunin degan adibning "Pingvinlar" asarlari, "Chilli, Villi", "Pingvin Loloning sarguzashtlari", "To'loqlarni ovla" multfilmlari ham bizga bag'ishlangan, – dedi.

Shunda Delfin kamtarlik bilan erga qarab shunday javob qaytardi:

– To'g'ri, biz suvda suzishga moslashganmiz. Sendek tik turib atrofini tomosha qilish nasib etmagan. Faqat ko'ksimiz erga, qalbmiz insonga yaqin. Uning dardi, quvonchini birga baham ko'rish – baxtimiz.

Muhayyo TO'LAGANOVA

Сувости саройига
марҳамат!

Мальдивнинг Рангали оролида жойлашган "Conrad Maldives Rangali Island" меҳмонхонаси дунё туристларини ажойиб янгилик билан ҳайратга солмоқда. Энди бу меҳмонхонанинг бир корпуси денгиз остида барпо этиляпти. Хали дунё тарихида сув тубида меҳмонхона қурилмаган эди.

Жорий йил охиригача фойдаланишга топширилиши мўлжалланаётган сувости меҳмонхонаси денгиз сатҳидан 5 метр пастда бўлса-да, у муҳташам саройлардан қилинмайдиган. Хоналари катта, ҳаммом, ётоқхоналар, кийиниш хонаси, зал – барчаси юксак дид билан безатилган.

Денгизости манзараси, балиқлар, сувости ўсимликлари дунёси сув юзасида шуьлаланадиган қуёш нурлари таъсирида гўзал манзарани касб этади.

Ушбу виللаларда фақат сув тубини эмас, балки денгиз устини ва қуёш ботишини ҳам кўриш имкони бор. Томошабинларни сеҳрлаб қўядиган бу меҳмонхона Мальдивда гаплашиладиган дивахий тилида "маржон" маъносини англатадиган "Мурака" номи берилди.

Пластикхўр бактерия
яратилди

Пластик чикиндилар бутун дунёда, айниқса, йирик сув ҳавзаларида ҳозиротлар ва ўсимликлар дунёсига жиддий путур етказмоқда. Қудалик ҳаётда кўп қўлланиладиган пластик идишларни утилизация қилиш энг долзарб муаммога айланган. Чунки, пластик ерда ҳам, сувда ҳам узок вақт чиримай ётади.

Бу масалани ҳал қилишга беч боғлаган япониялик олимлар антика өчим топишди. Улар пластикни бир неча кунда йўқ қиладиган фермент яратилди. Бу бактерия, айниқса, бутилкалар учун қўлланивчи пластикни тез емиради.

Японияда 2016 йилда чикиндихонада пластикни оддий усулдагидан минг марта тезроқ ютувчи бактериялар аниқланган эди. Олимлар фермент структурасини синтезлаш олишган ва у полиэтилентерефталатни (ПЭТ) оригинал бактериядан қўра яхшироқ юта бошлаган. Биологлар бактерия пластикнинг қолган турларини ҳам тезроқ қайта ишлаш олиши учун уни яхшилашмоқчи.

Келгусида фермент пластикни уни яна қайта ишлаб чиқаришда қўлаш мумкин бўлган ҳосилаларга парчалаш мумкин. Бу билан эса дунёда нефть истеъмоли, зарарли чикиндилар ва ахлат уюмлари миқдори камаяди. Бундан ташқари, ирсий модификациялар ёрдамида ферментни 70 даражадан юқорироқ ҳароратга бардошли экстремофил бактерияларга ўтказиш мумкин. Бундай ҳароратда ПЭТ эрийди ва 100 марта тезроқ парчаланайди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Ижтимоий эълонлар

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Тошкент вилоятида 2018 йилнинг 10 майдан бошлаб давлат активлари ва кўчмас мулк объектларини сотиш фақат "E-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончасида онлайн-аукцион шаклида ташкил этиладиган электрон савдо орқали амалга оширилади.

Сотувдаги объектлар тўғрисидаги маълумотларни Давлат рақобат қўмитасининг Тош-

кент вилояти ҳудудий бошқармасидан (тел: 230-41-70, 230-41-80, 230-41-68) ҳамда Давлат рақобат қўмитасининг privatization.gkk.uz ва "E-IJRO AUKSION"нинг www.e-auksion.uz сайтлари орқали олиш мумкин.

Электрон савдоларда иштирок этиш тартиби www.e-auksion.uz сайтида келтирилган.

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ»

танловига марҳамат!

Ҳурматли ҳамкасблар! Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси сизларни "Йилнинг энг фаол журналисти" танловида қатнашишга таклиф этади. Танловга 2017 йилнинг 1 июнидан 2018 йилнинг 1 июнигача газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиоэшитиришлар қабул қилинади.

Материаллар танловга таҳририятлар тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қора-

қалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари орқали жорий йилнинг 5 июнигача муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши лозим.

"Йилнинг энг фаол журналисти"

Материаллар "Йилнинг энг фаол журналисти" танловига, деб кўрсатилган ҳолда куйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Телефонлар: 244-64-61, 244-37-87. www.journalist.uz

ДИҚҚАТ!

ЎЗБЕКИСТОН XVI ЭКОЖУРНАЛИСТИКА РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ

Экология соҳасида фаолият олиб бораётган журналистларнинг малакасини ошириш, атроф-муҳит ва унинг муҳофазасидаги муаммоларни ёритишда ОАВ ролини кучайтириш мақсадида Ўзбекистонда 16 йилдан буён Экожурналистика Миллий танлови узлуксиз ўтказилиб келинмоқда.

2017-2018 йилларда Экожурналистика Республика танлови Ўзбекистон экологик ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий

ассоциацияси, Ўзбекистон мустақил босма ва ОАВ ҳамда ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Экофоруми томонидан ўтказилмоқда.


Танловга 2017 йилнинг 1 майдан 2018 йилнинг 1 майига қадар Ўзбекистон Республикаси Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари, "Жамият" ижтимоий-сиёсий газетаси, www.parliament.gov.uz, www.fundngo.uz, www.eco.uz, www.uznature.uz, www.ngo.uz, www.ecoforum.uz веб саҳифалари Экожурналистика Республика танловининг ахборот қўмақчиларидир.

Танловга иқидий ишлар 2018 йилнинг 20 апрелидан 2018 йилнинг 20 майига қадар Ўзбекистон экологик ҳаракатида (манзил: Тошкент шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 59-уй) электрон шаклда info@eco.uz орқали қабул қилинади.

Ташкилий қўмита билан боғланиш: (0371) 230-41-53, e-mail: info@eco.uz

публикаси ҳудудда оммавий ахборот воситаларида чоп этилган ва эфирга узатилган ижодий ишлар тақдим этилади. Миллий танлов шартлари-га асосан "Телевидение", "Радио", "Босма ОАВ", "Интернет" йўналишларида ва "Сув – бу ҳаёт" мавзусида махсус номинация бўйича ижодий ишлар қабул қилинади.

Янгиликлар, хабарлар, таҳлилий-танқидий мақолалар билан газетамизнинг интернетдаги манзили – www.thtp.uz орқали ҳам танишингиз мумкин.



Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимидаги қишлоқ врачлик пунктлари ва қишлоқ оилавий поликлиникалари учун зарур бўлган 103 дона ЭКГ аппарати ва патронаж ҳамширалари учун 2050 дона "Патронаж сумкалари" керакли анжомлари билан биргаликда даволаш профилактика муассасалари учун марказлашган ҳолда бошқарма томонидан харид қилинишини маълум қиламиз.

ЭКГ аппаратлар ва "Патронаж сумкалари" керакли анжомларининг техник талаблари бўйича Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармасига мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Чўпонота кўчаси, 7-уй.

Телефонлар: (0371) 250-40-56, 250-26-52.

Тошкент вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармаси 50 Га. майдон учун пул ўтказиш йўли билан каноп уруғи харид қилади.

Каноп уруғи сотувчилари куйидаги телефон рақамларига мурожаат қилишлари мумкин: (+99895) 145-22-62.

Манзил: Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, Хуррамлик кўчаси, 3-уй. Мўлжал: Вилоят "Маҳалла ва Нурунийлар" маркази ён қисми.

Дикқат! Дикқат! Дикқат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Тошкент вилоятида 2018 йилнинг 10 майдан бошлаб, давлат активлари ва кўчмас мулк объектларини сотиш фақат "E-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончасида онлайн-аукцион шаклида ташкил этиладиган электрон савдолар орқали амалга оширилади. Сотувдаги объектлар тўғрисидаги маълумотларни Давлат рақобат қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасидан ҳамда Давлат рақобат қўмитасининг privatization.gkk.uz ва "E-IJRO AUKSION"нинг www.e-auksion.uz сайтлари орқали олиш мумкин. Электрон савдоларда иштирок этиш тартиби www.e-auksion.uz сайтида келтирилган. Электрон онлайн-аукционда савдоларга дастлаб куйидаги давлат активлари қўйилади:

№	№	Давлат объекти номи	Био-нинг умумий майдони (кв.м.)	Умумий ер майдони (Га.)	Объект манзили	Президент, ҳукумат қарор рақами ва санаи	Балансда сақловчи	Объектнинг боилангич нархи (сўм)	Объектнинг (шақланган) сотува чиқариш қиймати (сўм ва фойз кўриғини)
Чирчиқ шаҳри									
1	1	Собиқ техникум биноси	1451,85	1,8425	Чирчиқ шаҳри, Заковат (Охунбобоев) кўчаси, 2-уй	ВМ-154 31.05.2012 й.	Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги	7 363 390 000,00	3 681 695 000,0 (50 фойзга камайтирилган)
Бўка тумани									
2	1	"Собиқ Давлатовул" ФАП биноси	141,6	0,014	Бўка тумани, Туркистон ҚФЙ	ВМ-154 31.05.2012 й.	Бўка тумани ҳокимлиги	85 580 000,0	42 790 000,0 (50 фойзга камайтирилган)
3	2	Чойхона биноси	173,72	0,017	Бўка тумани, Ҳамза кўчаси	ПҚ-2340 28.04.2015 й.	"Бўка бош пиллахоначи" МЧЖ	58 388 000,0	29 194 000,0 (50 фойзга камайтирилган)
Бўстонлиқ тумани									
4	1	Нон заводининг биноси	1365,28	0,4847	Бўстонлиқ тумани, Ҳазратқент шаҳри	ПҚ-2340 28.04.2015 й.	"Бўстонлиқ таъминот савдо" ДУК	2 367 860 000,0	1 183 930 000,0 (50 фойзга камайтирилган)
5	2	"Бурчмулло заргарлик заводи"нинг фаолият кўрсатмаётган мулкрий мажмуаси	4801,69	2,2	Бўстонлиқ тумани, Бурчмулло қишлоғи	ПҚ-2340 28.04.2015 й.	Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги	6 635 818 000,0	3 317 909 000,0 (50 фойзга камайтирилган)
6	3	Диспансер бино-иншоотлари	2534,98	2,127	Бўстонлиқ тумани, Ҳазратқент шаҳри, Охунбобоев кўчаси	ВМ-154 31.05.2012 й.	Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги	2 907 315 000,0	1 453 657 500,0 (50 фойзга камайтирилган)
Қўбрай тумани									
7	1	"Шарқ" МЧЖ-нинг 25 фойз давлат улуғи	—	—	Қўбрай тумани, Май ҚФЙ, Дўстлик кўрғони	ПҚ-2340 28.04.2015 й. 2-илова	"Шарқ" МЧЖ	4 205 157 000,0	2 102 578 500,0 (50 фойзга камайтирилган)
Оққўрғон тумани									
8	1	Собиқ болалар босчаси бино-иншоотлари	428,75	0,270	Оққўрғон тумани, Оққўрғон массиви, Дўстлик ҚФЙ, 6-бўлими	ВМ-154 31.05.2012 й.	Оққўрғон тумани ҳокимлиги	181 000 000,0	90 500 000,0 (50 фойзга камайтирилган)
Оҳангарон тумани									
9	1	"Орзу" болалар дам олиш маскани бино-иншоотлари	2277,4	4,500	Оҳангарон тумани, Айрисой кўрғони	ВМ-192 15.07.2014 й.	Оҳангарон тумани ҳокимлиги	2 470 781 000,0	1 235 390 500,0 (50 фойзга камайтирилган)
Чиноз тумани									
10	1	Дўкон биноси (31-сонли дўкон)	162,45	0,016	Чиноз тумани, Эски Тошкент ҚФЙ, А. Темур ф/у	ПҚ-2340 28.04.2015 й.	"Тошвилоят таъминот савдо" ДУК	62 871 000,0	31 435 500,0 (50 фойзга камайтирилган)

Электрон онлайн-аукцион савдолари натижалари бўйича қолиб қолган баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Электрон онлайн-аукцион савдолари 2018 йил 11 июндан бошлаб иш кулари соат 9:00 дан 18:00 гача ўтказилади.

Электрон онлайн-аукцион савдолари-га қатнашишга электрон буюртманома қабул қилиш электрон онлайн-аукцион савдоси ўтказилишидан икки иш куни

олдин (соат 13:00 гача) тугатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун қўшимча маълумотларни www.e-auksion.uz сайтлари орқали олиш мумкин.

Мурожаат учун манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 42-уй. Маълумот учун телефонлар: (0-371) 230-41-73, 230-41-70.

E-mail: tashreg@gki.uz
Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 ёки Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг (0-371) 230-41-81 рақамли Ишонч телефони-га зудлик билан хабар беришингиз сўра-лади.

Савдоларга марҳамат қилинг!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 январдаги "Уй-жойлар қуришни ривожлантириш бўйича мақсадли Дастурларини самарали амалга ошириш тўғрисида"ги ПҚ-3480-сон Қарори ижроси юзасидан қишлоқ жойларда аҳолининг кенг қатламларини замонавий ва шинам уй-жой билан таъминлаш мақсадида: "Қишлоқ қурилиш инвест" масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси 2018 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан тендер савдоларини эълон қилади

№ 2018-01

Тендер савдолари эълон қилинган сана: 2018 йил 27 апрель.

Тендер таклифларини тақдим этиш учун охириг муддат: эълон чоп этилган санадан 30 кундан сўнг.

Қишлоқ жойларда қуриладиган янгиланган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар типлари.

1-тип: Ҳўжалик иморатлари ва обод ҳўчилири бўлган икки, уч қаватли кўп квартиралли (2, 3 хонали) уйлар;

2-тип: Ҳўжалик иморатлари билан биргаликда майдони 0,02 Га. бўлган ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 2, 3 хонали уйлар;

3-тип: Ҳўжалик иморатлари билан биргаликда майдони 0,04 Га. бўлган ер участкаларида жойлаштириладиган икки қаватли 4 хонали бирлаштирилган уйлар.

1. Тендер иштирокчилари куйида санаб ўтилган ҳар бир тендер пакетлари учун муҳрланган танлов таклифларини киритишлари мумкин.

2. "Қишлоқ қурилиш инвест" МЧЖ ИК ("Буюртмачи") ҳўқуқий ваколатга эга бўлган тендер иштирокчиларини куйида келтирилган шартномалар бўйича янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун ("Қурилиш ишлари") муҳрланган танлов таклифларини киритишларини тақлиф қилади.

Тендер иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва тендер ҳўжатлари билан танишиш учун Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Тошкент вилояти ҳўдудий консалтинг марказига куйида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй. Телефон: (0 371) 241-15-37. Факс: (0 371) 241-15-32.

1. Тендер ҳўжатлари нусхасини олиш учун тендер иштирокчилари куйидаги тартибда оқорида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Қўшимча маълумотлар учун «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИКнинг ҳўдудий филиалларига мурожаат қилишлари мумкин.

Тендер савдоларида қатнашиш билдирган қурилиш ташкилотлари куйидаги танлабларга жавоб беришлари лозим:				
Бир дона уй (хонадон) учун талаб этилади:				
Уй типлари	Талаб этиладиган йиллик ўртача айланма маблаг (сўм)	Қурилиш мала-каси ўқинаш ҳажм ва характердаги шартнома (сўм)	Сўнгги бир йил давомида бажари-рилган ер ишлари ҳажми м3	Сўнгги 3 йилда бажаририлган бе-тон ишлари м3
Кўп қаватли 2, 3 хонали уйлар	120 000 000	95 000 000	15	25
Бир қаватли 2, 3 хонали (0,02 Га.) уйлар	130 000 000	100 000 000	20	40
Икки қаватли 4 хонали қўшиб қуриладиган уйлар (0,04 Га.)	220 000 000	180 000 000	30	50

Шартнома (лот)лар рўйхати						
Лот №	Хўдудлар	Массив	Уйлар (хонадон) сон	2 қаватли 12 хона-донли	2 қаватли 16 хонадонли	3 қаватли 18 хона-донли
Тошкент			341	0	16	108
404	Бўка	Жағалбайли	16		16	
405	Қўбрай	Шалолла	18			18
406	Қўбрай	Шалолла	18			18
407	Қўбрай	Шалолла	24			24
408	Қўбрай	Шалолла	24			24
409	Қўбрай	Шалолла	24			24
410	Қўбрай	Шалолла	24			24
411	Қўбрай	Шалолла	24			24
412	Қўбрай	Янги авлод	18			18
413	Қўбрай	Янги авлод	18			18
414	Қўбрай	Янги авлод	18			18
415	Қўбрай	Қўприқбони	18			18
416	Қўбрай	Меҳнат	15			15
417	Қўбрай	Меҳнат	15			15
418	Қўбрай	Меҳнат	15			15
419	Қўбрай	Меҳнат	15			15
420	Қўбрай	Меҳнат	13			13
421	Қўбрай	Меҳнат	12			12
422	Қўбрай	Меҳнат	12			12



9 май – Хотира ва Қадрлаш куни



БАТАН ЎҒЛОНЛАРИНИ УНУТМАЙДИ

Мудофаа вазирлиги тизимида хизмат бурчини бажариш пайтида ҳалок бўлган чирчиқлик Наримон Абкелямовнинг мардлиги ҳамон ватандошлари, сафдошлари, оиласи хотирасида.

Хотира ва Қадрлаш кунида юрт ўғлонини хотирлаш мақсадида Тошкент давлат аграр университети жамоаси академик Б. Сулаймонов раҳбарлигида Чирчиқ шаҳрига йўл олишди. Илм-фан намояндалари Ватаннинг содиқ ўғли Наримон Абкелямов хонадонига бўлиб, унинг умр йўлдоши Луиза, фарзандлари Айдер ва Искандер билан дилдан суҳбатлашди. Университет ректори Б. Сулаймоновнинг табриги, талабаларнинг шеърлари, совғалари хонадон эгаларига мамнуният бағишлади.

Муш унун кўксини қалқон қилган жасур инсон билан боғланган ҳамон ватандошлари, сафдошлари, оиласи хотирасида.

С. ЭШМАТОВА
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат



Бугун Бўстонлиқ туманида 10 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, шунингдек, 25 нафар фронт орти меҳнат фахрийлари истиқомат қилмоқда.

БЎСТОНЛИҚ БАҲОДИРЛАРИ

Бу йилги байрам арафасида ҳам "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи кенгаши вакиллари иборат гуруҳ аъзолари уруш ва меҳнат фахрийларига алоҳида эътибор, эъзоз кўрсатмоқдалар.

Тумандаги идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда жойларда алоҳида дастур асосида махсус учрашув ва маърифий-баддий кечалар ўтказилмоқда, дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман кенгаши раиси Мафтуна Юнусова. Бундай тадбирларда ёшларга халқимизнинг Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабага

Юлдузхон
ҒАЗЛИДИНОВА

йишталикнинг қадрига етишлари, ўқишда, ишда фидойи бўлишлари таъкидланди.

Тадбир давомида меҳмонга партияннинг совғалари топширилди, мактаб ўқувчилари қўшиқ ва рақслар ижро этиб, йигилганларни хушнуд этдилар.

Мархабо
МАДАМИНОВА

Газетанинг навбатдаги сони 16 май, чоршанба куни чоп этилади.

МЕҲРИ УЛУҒ, БАҒРИ КЕНГ ВАТАН

– Қизгинам, тўхта, дийдорингга тўйиб олай, синглингни қўлидан маҳкам ушла, қўйиб юборма, – онасининг жон ҳолатдаги қичқирғини саксон икки ёшга тўлиб ҳам унутмайди беларус аёли, қибрайлик Надежда Эралиеванинг хотираларини тинглар экансиз, совуқ уруш шамол-вижунингизни сескантириб юборгандек бўлади.

– Ўшанда беш ёшли қизча эдим, – дейди у, – катталарни алоҳида сафта тизишди, ёш болаларни эса бир хонага олиб киришди. Шундай ёнгинамизда мўрсининг тутини осмонга ўрлаган баҳайбат пёч ёниб турар, унинг иссиғи танамизга хуш ёқаётган эди... Катталар биздан кўз узмас, унсиз йиғлашаётганини ич-ичимиздан ҳис этиб турардик. Кимдир овоз чиқарса, шартта отиб ташлашга тайёр турган фашистлардан қутулишнинг имкони йўқ эди. Шу тобда нима бўлди-ю, гўмбурлаган овоз эшитилди. Ҳамма ҳар томонга қоча бошлади. Қандайдир солдатлар бизни ўраб олиб, кийинтиришди. Шу пайт онажонимнинг гайриоддий хайқирғини эшитдим. Кейин билсам, бизни "Белостон" концлагеридаги улкан педча ёндиршмоқчи бўлишганида, ўзимизнинг солдатлар қутқариб қолишган экан...

Урушдан кейинги очарчилик йилларида эса синглим билан шу ерларга келиб қолдик. Бир бурда нонини ҳам биз билан бўлишиб еган ўзбек халқи менга отаона бўлди. Бахтимни ҳам шу ерда топдим. Умр йўлдошим ҳарбий-офицер Курбон Эралиев билан уч фарзандни катта қилдик. Отасининг изидан бориб, ўғлим ҳам ҳарбий бўлди, куёвим ҳам ички ишлар тизимида фаолият олиб боради. Бундай муҳаббат улуғ, бағрикенг Ватан фарзанди бўлиш, унинг қалби қайноқ халқи учун хизмат қилиш нақадар буюк бахт! Айниқса, байрам арафасида биз, фахрийларга алоҳида эҳтиром кўрсатилаётганидан бошимиз осмонга етди...

Ҳақиқатан ҳам, шу кунларда юртдошларимизнинг ҳаяжони чексиз: ҳар қадамда "Бўлар экан-ку!" деган хитоблар бот-бот қулоққа чалинади. Дарҳақиқат, кундан-кунга яхши-яхши хабарлар эл оғзида дoston бўлаётир. Хотира ва Қадрлаш кунида уруш фахрийларига ҳар йилгида ўзгача эҳтиром кўрсатилаётганини ҳамма кўриб-билиб турибди. Миннатдорлик акс этган ёруғ чехраларга боқинг, бунга ишонч ҳосил қиласиз. Боз устига, юракларнинг туб-ту

бига яширинган ўкинч ва армоннинг ўрини тўлдириб, пойтахтимиздаги "Халқлар дўстлиги" санъат саройи-ю, метро бекати, халқимизнинг ўзига хос бир тимсолига айланган темирчи Шомахмудовлар оиласи шарафига қўйилган ёдгорлиқнинг ўз жойига қайтарилиши, генерал Собир Раҳимов номининг қайта тикланиши адолат тарозисининг посангисини тўғирлаб қўйди.

Бундан бир неча йил аввал юртимизга ташриф буюрган хорижлик меҳмонга Ўзбекистонимиз, хусусан, тобора кўркамлашиб бораётган гўзал Тошкент бўйлаб саёҳат давомида ҳамроҳлик қилишга тўғри келди. Пойтахтимизнинг "юраги" бўлган Мустақиллик майдонидан бошланган сайру саёҳат давомида меҳмоннинг нимадандир кўнгли тўлмаётганини сезиб, андак хижолат бўлди.

– Жуда улуғ ишлар бўлибди, хурсандман, – деди у. – Тошкент таниб бўлмас даражада юксалибди. Лекин, нимадир етишмаётгандек бўлаяпти менга. Ҳар сафар Ўзбекистонга келсам, албатта, бир ёдгорликни зиёрат қилардим, бу сафар ана шу эзгуликни, халқлар дўстлигини тараннум этувчи хайкаллари кўрмаяпман...

Дарҳол пайқадик, меҳмон "Халқлар дўстлиги" майдонидан биз юқорида тилга олган ёдгорлиқни назарда тутаятган эди...

"Қани эди, ўша меҳмон яна келсаю, уни халқимизнинг баркирег, меҳмондўст, меҳр-муруват каби бетақдор фаилатларининг ифодаси бўлган шу ёдгорлик қўшиғи олиб борсам, мухташам "Халқлар дўстлиги" саройининг бугунги таниб бўлмас даражада ўзгарган гўзал майдонини кўрсатсам", деган ният ҳаёлимдан кетмай қолди. Бунинг, албатта, телевидение, радио, интернет орқали кўргандир, эшитгандир.

Шундай бўлса ҳам, унга ҳамроҳлик қилиш, ҳайрату ҳаваси, қувончига шерик бўлишни орзиқиб кутаяпман.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири

АРМОН ОРТИДАН ДАРМОН

Учрашувда вилоят ҳокими фахрийларга Президентимиз номидан пул мукофоти ва қимматбаҳо совғаларни топширди. Давлатимиз раҳбарининг биз уруш қатнашчиларига қилаётган ғамхўрлиги ва юксак эътиборидан ниҳоятда хурсандимиз, – дейди Мухиддин ота Дўсанбоев. – У руҳи-

мизни кўтариб, бугунги дориламон кунларда беармон яшаш бахтини ато этмоқда. Юртимиздаги тинчликка, халқимиз фаровонлигига, ёшларимиз эришяётган муваффақиятларга кўз тегмасин.

Ўз мухбиримиз
Равшан МИРЗАҚУЛОВ
олган сурат

ЗУҲРИДДИН ОТА ШУКРОНАСИ

Фахрийларга иззат-эҳтиром кўрсатишдек хайрли ва олижаноб ишда жамоат ташкилотлари, хусусан, сиёсий партиялар ҳам ташаббус кўрсатмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тиклашни" демократик партияси вилоят кенгаши мутасаддилари, депутатлар, партия фаоллари ва Ўзбекистон Қизил

нига йўқлаб бордилар. Учрашувларда фахрийлар билан суҳбатлашиб, уруш даври хотираларини, мутасаддилар ота-хонларга эсдалик совғаларини тарқатдилар.



– Ҳар сафар урушни эслаганимда юрагим увушади, – дейди Зуҳриддин Исмолов. – У менинг беғубор ёшлигим ва оёқларимдан жудо қилди. У машъум кунлар ўтиб кетди. Бугунги тинч ва осуда ҳаётимизга кўз тегмасин. Президентимизнинг биз, фахрийларга кўрсатаётган юксак эҳтиромидан жуда миннатдоримиз.

З. ҚАМБАРОВ
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат

ЎКТАМ БОБО ИБРАТИ

9 май – Хотира ва Қадрлаш куни бу йил мамлакатимиз бўйлаб ўзгача руҳда нишонланмоқда. О'zLiDeP Бекобод шаҳар кенгаши ва партия депутатлик гуруҳи томонидан 10-умумий ўрта таълим мактабида "Инсон қадри улуг, хотира муқаддас" мавзусида тадбир ўтказилди.

97 ёшли Ўктам бобо Дўсмаев ўқувчиларга бутун дунёни ларзага солган Иккинчи жаҳон урушининг аянчли, оғир ва машаққатли кунлари ҳақида сўзлаб

берди. Беихтиёр кўзларга ёш қалқди, ҳозирги хотиржам кунларимиз олий неъмат эканлиги, ёшлар тинчлик-особерди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Ҳафтанинг
чоршанба ва
шанба кунлари
чиқади.
14 270 нусхада
чоп этилди

Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:
233-58-85 (факс)
233-70-10
233-12-83
233-38-23, 233-48-08
233-65-59
233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Назоратчи мусаввир
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ